Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 21 июль, пайшанба № 118 (21.722). Сотувда эркин нархда:

ҲАЛОЛЛИК ВАФИДОЙИЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз, депутатларга ва сизнинг сиймонгизда пойтахтимиз — Тошкентнинг барча фаолларига ва меҳнаткашларига юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар, ютуқларимиз, шу билан бирга, катта-катта муаммоларимиз, ташқи ва ички сиёсатимизнинг одимларидан хабардорсиз, албатта. Мамлакатимиз меҳнаткашлари келажакларини, тақдирларини ўз қўллари билан бунёд этмоқдалар. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён ўтган давр нисбатан қисқа бўлса-да, халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда.

Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, ўз ҳаётини қуряпти. Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққат билан ўргандик ва ўрганиб бораётирмиз. Улардан халқимиз руҳияти, табиатига мос келадиганларини танлаб олиб, фойдаланяпмиз. Шу билан бирга ўз тарихимизни жиддий ва синчиклаб таҳлил қилмоқдамиз.

Ўрта асрларда ўлкамизда шаклланган бозор муносабатларининг андазаси ўз даврида Европа мамлакатлари тараққиётига улкан таъсир кўрсатгани тарихдан маълум. Шу боисдан ўз ривожланиш йўлимизни аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пешқадам давлатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқлари асосида белгиламоқдамиз. Биз ишлаб чиққан иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлининг беш тамойили ана шу тажрибаларга асосланади. Яна такрорлайман: муҳими, биз турмуш тарзимизни ўзгартирувчи ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз, босқичма-босқич, меҳнаткашлар манфаатини муҳофаза қилган ҳолда, тадрижий — эволюцион равишда амалга ошираётирмиз.

Ҳўш, танлаб олинган йўлнинг дастлабки босқичида қандай натижаларга эришилди?

Мен бугун тўла ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга имкон берди. Тотувлик бор жойда эса баракали ва самарали меҳнатга пухта замин бўлади.

Ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда. Давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгаряпти. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётир. Жаҳондаги энг илғор тажрибаларга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига хос янги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти. Шуниси қувончлики, қўшни мамлакатлар бизнинг бу тажрибамиздан фойдаланмоқда. Куни кеча Қирғизистонда «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобининг чоп этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оилалар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Халқимиз сўм-купоннинг 1 августга қадар янги пул билан баравар муомалада юришини давлатнинг яна бир ғамхўрлиги сифатида мамнуният билан қабул қилди.

Миллий пулга эга бўлиш ҳам бир саодат. Энди ҳамма гап—ана шу саодатнинг қадрига етишда. Тўғри, пулнинг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин заҳираси билан қай даражада таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар орқали белгиланади. Аммо унинг нуфузини кўтарадиган яна бир муҳим омил борки, бу—биз ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зеро, миллий пулимиз миллий ғуруримиз демакдир. Мен бугунги учрашувдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир муҳим масалага жалб қилмоқчиман. Албатта, ҳар қайси одам, фуқаро бозорга, магазинга чиққанда қўлида, чўнтагида бўлган пулнинг харид имконияти кучли, қиймати баланд, бақувват бўлишини истайди. Шу мақсадга эришиш учун республикамизда бугунги кунда миллий валютани муомалага киритиш билан бирга қуйидаги муҳим дастурларни амалга оширишимиз зарур:

1. Ички бозоримизни истеъмол моллари билан тўлдириш.

2. Давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш.

3. Экспорт имкониятларини кескин кучайтириш. Шу йўл билан чет мамлакатлардан, аввало, эркин валюта олиб келиш. Чунки биз четдан маҳсулотни ана шу давлатларнинг пулига харид қиламиз. Яъни четга қанча кўп маҳсулот чиқарсак, шунча ўзимизга керакли мол, асбоб-ускуналар сотиб олишимиз мумкин.

4. Республикада пул эмиссиясига, яъни мол билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик. Аҳолига берилган пулни товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш орқали, уларнинг эҳтиёж ва талабини қондириш билан давлат хазинасига қайтариш.

Пул муомаласини барқарорлаштириш ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатдаги энг муҳим масала—пулимизни ички конвертация қилиш, содда тил билан айтганда, миллий пулимизни эркин валютага (доллар, марка, иен ва ҳоказо) алмаштиришга эришиш. Бу борада алмашиш курсини Марказий банкда ўтказилаётган биржаларда аниқланаётган даражада ташкил этиш, яъни эркин бозорнинг асосий талабларини қондириш, шу орқали дунё бозори таркибига қириш мақсади қўйиляпти. Айтмоқчиманки, бугунги қунда шу тадбирларни амалга ошириш учун катта ва пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Бундай муҳим вазифаларни бажариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечиришни, ишимизда **ҳалоллик ва фидойилик** бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистон собиқ СССР парчаланганидан кейин мустақилликни осонгина қўлга киритди, деганлар қаттиқ янглишади. Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни биров ҳадя қилолмайди. Озодликка фақат курашиб эришилади. Бино тепасига ўз байроғимизни тикиб, биз — мустақилмиз, дейиш ўта соддаликдир. **Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий замнига эга бўлмаса, у ҳали тўла мустақиллик деганн эмас. Том маънода мустақил бўлиш учун давлатимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашимиз зарур.**

Яна бир ҳақиқатни такрорлаб ўтишга тўғри келади: **мустақиллик, танланган истиқлол йўли, авваламбор, ҳар қайси инсон, фуқаро бутун жамият келажаги учун муносиб ҳаёт, фаровонлик, барқарорлик бахш этган тақдирдагина халқимиз учун маъқул бўлиши муқаррардир.**

Азиз биродарлар!

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, йирик илмий ва маданий марказигина бўлиб қолмасдан, таъбир жоиз бўлса, унинг юраги ҳамдир. Шу сабабли, Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, ишларнинг аҳволига қараб бутун республикамиздаги вазият ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакатимиз ҳам тез ўсиб улғаяди, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади.

(Давоми 2-бетда).

• *Ғалла—ризқ-рўзимиз*

Зомин туманидаги «Зомин» ижара ширкат бирлашмаси жамоаси дон ўримини авж олдирмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда ўрим-йиғим ишлари ташқаридан ёрдамчи олмай бажарилмоқда. Далада 16 та комбайн юксак унум билан ишлатилаётир. Ҳар бир комбайн билан кунига 9 гектар майдондаги ғалла ўрилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Комбайнчи Комил Эргашев, хўжалик раҳбари Янгибой Ўсаров, ширкат бошлиғи Ғани Хўрозов. 2. Ўрим пайти. 3. Ишчи Холмурод Умаров ва хирмон бошлиғи Сувонқул Сулаймонов.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

• *Ўзбекистон Алоқа вазирлиги диққатига!*

«ТЕЛЕФОН ҚИЛИБ ТУШОЛМАДИМ»...

Тўрт киши йиғилган даврада албатта телефон ҳақида гап кетади. Ҳаммасининг ҳасратидан чанг чиқади. Нега шундай? Чунки бу қурғур яхши ишламайди. Айниқса, кейинги икки йил ичида телефончилар мижозни оёқ учида кўрсатиб қолди. Арз-додингизга жавоб битта: Эҳтиёт қисм йўқ! Уни ким топиши керак? Мижозми? АТС бошлиғими?

Халқ орасида шундай гап юради. Тошкентга узоқ Галактикадан бир меҳмон ҳафтада олти кун келиб-кетадиган бўлибди. Ҳар гал у арзимас нарсани сўраркан-да, изига қайтаркан. Бунн кузатиб юрганлар қизиқиб қолишибди. Меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйгач, сўрабдилар:

— Нега тез келиб, тез кетасиз?

— Хўжайнним савдогар, — дебди у. — Ердаги нархнаво, қайси буюм харидоргирлигини доимо билиб туриш менга топширилган. Ҳамма давлатларга телефон қилиб маълумот оламан. Лекин сизларга сим қоқиб, асабни бузгандан кўра келиб-кетганим афзал!

Биздаги телефонга берилган баҳо бу! Аслидаям шундайми? Балки ўзгаришлар бўлгандир? Шуни билиш мақсадида Тошкентни айландик.

— 13-йил бўляптики, сарсонман. Шу йилнинг ўзида уч марта бордим. Ўғлим қатнаб турибди. Доим Кўкчада АТС қуриляпти, дейишади. У битмайди чоғи.

Ал-Хоразмий 2-Тор кўча 42-уйда яшовчи Йўлдош Миноваров гапини тугатар-тугатмас Ҳувайдо 1-тор кўчасидаги 36-хонадонда турувчи Боқижон Собиров ҳасратини айтиб қолди.

— Унинг боридан йўғи. Бизга 46-30-55 номери теккан. Ҳафтада бузилади. Устасини чақиравериш жонга теккан. Ишонсанглар олти ой мобайнида 9-10 марта тузатишди. Коробкани тиқир-тиқир қиладн-ю ғойиб бўлади келган устаси. Қарабсизки, ярим соатдан кейин телефон яна гунг.

«Ҳувайдо» кўчаси бўйлаб ўтган телефон симларига қараймиз. Узилиб, сим ёғочи қийшайиб ётибди. Яқин бир йилда умуман қаралмаган.

Телефон ҳаётий зарурат. Тайёр дастёр. Бировнинг тоби қочиб қолади, яна кимдир ишини битказиши керак, Дейлик, хонадонларга телефон тушириш қийиндир. Лекин таксофон ўрнатишчи?

«Оҳакчи» маҳалласидагилар шундан хуноб. 1989 йилдан бери бирон-бир таксофон ўрнатиш ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас. Уйида телефони борлари бўлса, 5, 7, 9 рақами билан бошланувчи АТС номерига сим қоққандан кўра, бориб келишни осон биладилар.

Алоқа хизматига беписанд қараш шунчаликка бориб етдики, Ғоробий кўчасидан ўтган алоқа симлари ерга тегай-тегай деб ётибди.

Тошкент тиббиёт институтининг 2-клиникасида милиция пости ташкил этилган.

— Биз ҳам телефон хизматига ёлчимаяпмиз, — дейди участка милиционери ёрдамчиси, милиция лейтенанти Дўстқобил Даминов. Касалхона эшиги олдида илгари таксофон бўлган дейишади. Мен уни кўрмаганман.

— Пунктингиздан сим қоқсак бўладими? — сўраймиз лейтенантдан.

У елка қисади.

— Бунинг иложи йўқ. Ихтиёримиздаги 46-33-38 телефони 10-15 кундан бери ишламайди.

Ана холос. Милиция пункти телефонини ишлатмай қўйган АТСдагилардан яна нимани умид қилса бўлади?

Қўйлиқ, 7 даги «Обод» маҳалласидагилар эса зарурат бўлиб қолганида бир ярим километрдаги автокомбинатга сим қоққани боришади. Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган бу мавзедагилар таксофон дардида бормаган жойлари қолмади. Лекин натижа бўлаётгани йўқ.

— Ҳеч қаерда биздагичалик эътиборсизлик бўлмаса керак, дейди Жарариқ мавзеси (ҳозир «Оқтепа» маҳалласи) фуқаролар кенгаши раиси Абдуқосим Абдушукуров. — 10 мингга яқин аҳоли яшайди. Уруш қатнашчилари, «афғончи»лар, ногиронлар бор маҳалламизда. Тўрт йил бўлди кўчиб келганимизга. Лекин ҳануз бировимиздаям телефон йўқ.

Шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига неча бор мурожаат қиляпмиз. Улар доим 47-АТС узоқлигини, 18-АТС қурилиши тезлаштирилишини ваъда қилишдан нари ўтмаяптилар. 47-АТС эса Тошкентдаги энг ёмон ишлайдиган телефон алоқасидир.

Бир муҳим гапни айтиб қўяйлик. Телефон йўқ ерда ҳар хил ҳуқуқбузарликлар кўп бўларкан. Чунки айрим безорилар билишади сен додингни айтгунча жуфтакни ростлаб қолишларини. Яқинда икки қўшни жанжаллашиб, сўнг пичоқлашишди. Буни кўриб турганлар яқин келолмаганлар. Агар телефон бўлса-ю қўнғироқ қилинганда милиционер вақтида етиб келганида қотиллик рўй бермаган бўлармиди.

Эътирозда жон бор. Катта бир мавзеда ҳеч бўлмаганда зарурат учун телефон ўтказилмаганлигидан кейин буёғини қўйверинг-да.

Жарариқдан «Ҳамза» метросига келишгача ўн еттита таксофон будкасини санадик. Аммо бировнм ишламайди. Чекка туманларни қўйинг. Пойтахт марказидаги «Тошкент» меҳмонхонаси атрофида 10 та таксофон бор. Ундан фақат биттаси ишлайди.

Шўролар даврида америкаликларнинг «Вақт — бу пул» деган нақлига капитализм иллати деб қарардик. Бу онгимизга зўр бериб сингдириларди ҳам. Халқимизнинг лўндагина қилиб айтган «вақтинг кетди, нақдинг кетди» деган нақлини унутиш даражасига ҳам келиб қолгандик.

Яхшиси қуйидаги фактга мурожаат қилайлик. Ҳисоб-китоб қилинишича, ишбилармон кишиларнинг қарийб 14 иш ҳафтаси телефон орқали бўладиган мулоқотга кетар экан. Кўриниб турибдики, иш вақтини тежашда, кўпгина муаммоларни ҳал этишда асримиз мўъжизаси бўлган телефоннинг хизмати кун сайин ортмоқда. Афсуски, Тошкент шаҳар телефон тармоғи ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермаяпти. Шу боис ҳар қадамда унинг қаттиқ оқсоқланаётганлиги сезилмоқда.

Мамлакатимиз юраги бўлган шаҳри азимда 60 та АТС бўлиб, 410 минг телефон рақами мавжуд. Лекин тармоқнинг техник ҳолати аллақачон путурдан кетган. Телефон станцияларининг асбоб-ускуналари эскирган. Кабеллар эса «чарчаган». Станцияларо алоқа боғланиши қониқарсиз даражада. Табийки, уларнинг ҳаммаси жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Шу ўринда икки отахоннинг суҳбати қулоғимиздан сира кетмаяпти.

Тошкент Шарқ дарвозасидир. Пойтахтликлар ва пойтахтимизга келаётган меҳмонлар бирон юмуш билан қўнғироқ қилиш учун таксофонлардан фойдаланишади. Афсуски, бу борада ҳам аҳвол жуда ачинарлилигини айтдик. Таксофонлар қаровсиз ҳолатга ташлаб қўйилган. Натижада улар мутлақо яроқсиз ҳолда. Ишлайдиган таксофонни қидириб кунингиз ўтиши мумкин. Боши берк кўчадан чиқа оларсиз, лекин соғ таксофонни тополмай хунобингиз ошгани қолади фақат.

ХОЛИС ФИКР

Тошкентдаги АТСларни монтаж қилишда лойиҳадан чекиниш ҳолларига йўл қўйилган. Замонавий лойиҳалар бўйича монтаж чоғида бўлган хатоликлар эндиликда қимматга тушмоқда.

Ўзбекистон Давлат Алоқа лойиҳа институти мутахассислари Тошкент шаҳрида телефон алоқасини яхшилашга қаратилган бир қатор янгиликларни жорий этишга киришмоқдалар. Масалан, 32, 33, 39-АТС электроника воситасида ишлашга мослаштирилмоқда. Унинг аввалги ускуналаридан ҳозирча воз кечилади. 45-ва 55-АТСлар радио релели боғланиш усулига кўчирилмоқда. Бундан ташқари 44, 73, 52, 25-АТСлар ҳам яқин келгусида электроника ёрдамида ишлайди. Бу ишлар Германиянинг «Алкатель», «Сименс» ва Кореянинг ДЭУ корхонамарказидаги станцияларга монтаж қилинмоқда. Яқин ойлар ичида узоқ сўзлашув учун қўшимча хизмат ҳақи тўланадиган бўлади. Эзма абонент ҳамёнидан ажраладн, кам гапирувчи абонент эса тежамкорлигини кўрсатади.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Гапни чўзиб ўтирмаймиз. Текшириш, ўрганиш чоғида шундай хулосага келдик. Баҳона қиладнми, эҳтиёт қисм йўқлигини рўкач қиладнми, Тошкент шаҳар телефон тармоғининг фаолияти қониқарсиз. Юнусободга сим қоққандан борган осон. Чилонзор, Сирғали, Яккасарой, Оқтепа, Шопоиз ҳақиданм шу гап. Барча АТСдан халқ норози.

Биламиз, пойтахт телефон хизматини барқарор ишлатишга зарур ҳисобланган ускуналарнинг тўқсон фоиздан знёди четдан келтирилади. Лекин бу баҳона бўлолмайди.

Рейдга чиқишдан олдин 19 июль куни Тошкент шаҳар телефон алоқалари бирлашмаси бошлиғи В. А. Кравченкога қўнғироқ қилдик. У киши мажлис ўтказаётган эканлар. Гаплашиб бўлмади.

20 июль куни яна сим қоқдик. Бу сафар ҳам у киши кенгаш ўтказаётгани, қабулларида хорижликлар борлигини айтишди. Бошлиқ ёрдамчиси А. У. Тўраев бу масалада бош муҳандисга учрашишимизни тавсия этди.

Лекин Шуҳрат Одиловни тополмадик...

Абдулла ПЎЛАТОВ,

Алишер РЎЗИЕВ,

Қурбон АЛИ,

«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши

Меҳнаткашларнинг нон ва нон-булка маҳсулотлари билан савдо қилишни тартибга солиш, уларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш йўлларини беркитиш, уй ҳайвонларини нон билан боқиш ҳолларининг олдини олиш зарурлиги тўғрисидаги кўплаб мурожаатлари муносабати билан:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, «Ўзбексавдо» Давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув, «Ўздонмаҳсулот» Давлат корпорацияси ва бошқа ташкилотларга нон ва нон-булка маҳсулотларини сотишда зарур тартиб ўрнатиш топширилсин.

2. Давлат солиқ қўмитаси нон сотиш устидан қаттиқ назорат ўрнатишни ва ун, нон ва нон-булка маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг олдини олишни таъминласин. Белгиланган тартибни бузувчи шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбексавдо» Давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув, «Ўздонмаҳсулот» Давлат корпорацияси кўрилаётган чора-тадбирларнинг зарурлигини тушунтирган ҳолда меҳнат жамоалари билан мунтазам учрашувларни ташкил этсинлар, бу ишга жамоатчиликни, маҳалла қўмиталарини, оммавий ахборот воситаларн ва телевидениеии жалб этсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг халқ истеъмол моллари, савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш, деҳқончилик саноати мажмуи бўлимларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси нинг Бош вазири

А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 июль.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Германия Федератив Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт, федерал вазирлиги расмий делегацияси сафида мамлакатимизга келган ишбилармонлар гуруҳи билан учрашув бўлди.

Мулоқот чоғида республика ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва германиялик ишбилармонлар делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репник Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этдилар. Мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ўзаро тенг ҳамда манфаатли асосда ривожланаётган ҳамкорлик алоқалари яна-да кенгайиши ва келгусида яхши самаралар беришига ишонч билдирилди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА).

ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК— ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу шаҳри азимда Ўзбекистон қудрати, салоҳиятининг энг сара, танланган кучлари — етук ва бой тажрибага эга ташкилотчи раҳбарлар, илму фан ва маданиятимизнинг таниқли намояндалари, ҳар ишга қодир мутахассислар жамланган. **Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар эканликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар ва келмоқдалар. Кўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиликлар одатда пойтахтдан бошланади.**

Шаҳарликларнинг заҳматкаш қўллари билан зилзила вайронолари ўрнида қайтадан қад ростлаган Тошкент афсоналардагидек ёшариб ва яшнаб, бутун кўрки, чиройи, муҳташамлиги билан чинакамига **Шарқ юлдузи ва Шарқ дарвозаси** бўлиб ном қозонди.

Сизларнинг заковатингиз туфайли саноатда ва бошқа муҳим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи энг замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. **Низо ва адоватларга чек қўйиш, халқларни яраштириш ва дўстлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби савобли ишларга бош-қош бўлгани туфайли «Тошкент руҳи» деган тушунча пайдо бўлди ва жаҳонга таралди.** Бугун ҳам бу руҳ тирик, у тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Тошкентнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамиша катта аҳамият бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биргина мисол: фақат 1994 йил бошидан бери аҳолини меъёр бўйича бериладиган маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, гўшт, ун, шакар, болалар озиқ-овқатлари, бошқа кундалик эҳтиёж моллари харид қилиш учун 1 миллиард 300 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шаҳар жамоат транспорти эҳтиёжини қондириш мақсадида янги автобус, трамвай ва троллейбуслар, эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун имконият даражасида валюта берилмоқда. Аҳоли учун уй-жой қуриш, шаҳар коммунал хўжалиги сарф-харажатларининг асосий қисми ҳам давлат хазинаси ҳисобидан қопланяпти.

Тошкент шаҳрига бундай катта имтиёз ва ҳуқуқлар берилган экан, пойтахтдаги ишларнинг аҳволи масаласида талабчанлик ҳам юксак бўлиши табиийдир. Биз шаҳар аҳли ва фаолларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ҳалол меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари, изланишларини эътироф этган ҳолда, ҳамма соҳаларда ҳам иш бугунги мураккаб **ва масъулиятли давр талаблари даражасида эмаслигини тан олмасдан иложимиз йўқ.**

Камчилик ва нуқсонларга ўзимиз холис баҳо бермасак, уларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмасак, кейинчалик «касалнинг нситмаси» ошкор этиб қўяди.

Тошкент саноати — мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бири, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Агар унинг фаолиятида камчилик юз берса, бу ҳолнинг оқибатлари бутун халқ хўжалигида сезилади, бошқа соҳаларни орқага тортади, муаммоларни кескинлаштиради. Шундай экан, пойтахт саноатининг барқарор ишлаши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил кўпайтириб бориш — энг долзарб вазифадир.

Тўғри, шаҳар саноатида бирмунча ижобий силжишлар бор. Бир қанча корхоналарда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Олмония, Чехия, Болгария ва Туркия ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, уларнинг кўпчилиги ҳозир маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Лекин, бу — шаҳар саноатчиларининг ҳамма ишлари ҳам жойида экан, дегани эмас.

Ачинарли жойи шундаки, шаҳардаги деярли барча корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати комплекси корхоналарида энг асосий маҳсулотлар — **экскаватор ишлаб чиқариш 84,3 фоизга, автомобиль прицеплари ва ярим прицеплари 64,3 фоизга, компрессорлар 57,2 фоизга, пахта терими машиналари 58,3 фоизга, тракторлар эса 85,9 фоизга** тушиб қолди.

Албатта, биз тўғри тушунамиз, буларнинг асосий сабаби кўп ҳолларда — Ҳамдўстлик мамлакатларидан хомашё келтириш қийин бўлаётгани, хўжалик алоқаларининг узилиши деб айтиш мумкин. **Бу бор гап ва жуда жиддий муаммо бўлиб турибди.** Лекин бугунги кунда нуқул ана шу сабабларни рўкач қилаётган корхона раҳбарларини мен «баҳона изловчилар» деб атаган бўлардим. Ахир, ўзингиз ўйланг, Ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар узилганига уч-тўрт йилдан ошди. Нима, энди қўл қовуштириб ўтираверишмиз керакми? Кўриб турибсиз, Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари билан бўлган олий даражадаги учрашувларда биз ҳар гал иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласини қўймоқдамиз, қўлимиздан келганича чорасини кўряпмиз. Афсуски, айрим давлат ва ташкилот раҳбарлари бу борада қуруқ ваъдалардан нарига ўтолмаяпти. Уларнинг тушунчаси, дунёқараши, иш услублари эски замонда қотиб қолган, деб айтсак адашмаймиз. Чунки уларнинг асосий иш услуби — боқимандалик. Гўё уларнинг ишини давлат бажариши, муаммоларини кимдир ҳал қилиб бериши керак. Бундай эскича фикрлайдиган раҳбарлар билмайдики, ҳақиқий тадбиркорлар аллақачон янгича услубда ишлашга ўтган. Боз устига, узоқни кўрадиган раҳбарлар ўз корхоналарига чет эл сармояси ва илғор технологиясини олиб келяпти ва иқтисодий самарага эришяпти.

Маъмурий-буйруқбозликни ақида этиб олган уқувсиз кишилар эса ҳали-ҳануз «олма пиш — оғзимга туш» деганларича, хомашё ва зарур қисмларни давлат олиб келиб беришини кутиб ўтирибди. Масалан, Тошкент трактор заводини олинг. Бундай раҳбарлар фақат ўзига зиён келтирса майли эди, лекин уларнинг бундай фаолияти оқибатида корхона банкротга йўлиқиб, жамоа аъзолари ишсиз қолиши мумкин.

Мен ана шундай ҳолатларни таҳлил қилиб, бир хулосага келаман: корхонаси, меҳнат жамоаси тақдирини ўйламайдиган каттакатта корхоналарнинг раҳбарлари республика ташқарисидан ҳар эҳтимолга қарши ўзига бошпана, бошқача айтганда, «эҳтиёт жой»ларни ҳозирлаб қўйганга ўхшайди. Иш талаб қилсанг, «кетишим мумкин» қабилидаги гапларни айтади. Қўлида ишлайдиган меҳнаткашларнинг тириқчилиги, уларнинг тақдири ҳақида эса ўйлаш йўқ.

Ўзбекистонни ўз ватаним деб ҳисобламайдиган, унинг қийинчиликларини шахсий қийинчилигим деб ҳис этмайдиган раҳбарлардан не наф? Лекин бу муаммо билан шаҳарда бирор киши шуғулланадими? Бу масалани кўндаланг қўядиган одам борми?

Бозор иқтисодиётининг қонун ва талаблари бир жиҳатдан қатъий ва аёвсиз бўлса-да, улар ҳаммани ўз қўлидан келадиган иш билан шуғулланишга, топширилган вазифа, одамлар тақдири учун масъулиятли теран ҳис этишга ўргатади. Боқимандалик кайфиятида бўлганлар бозор йўлидан четга чиқиб қолаверади.

Тошкент шаҳрида ҳозир 70 дан зиёд зарар кўриб ишлаётган корхона борлигини шаҳар ҳокимлиги биларми-кан? Ҳўш, агар билса, унда қандай чоралар кўрилянти? Бу борада қандай амалий таклифлар бор? Бу саволнинг жавоби ҳаммага маълум: муҳим ишда сезиларли ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Ҳолбуки, уларнинг тақдирини ҳал этиш керак. Қачонгача бу корхоналар давлат елкасида юк бўлади? Яқинда **«Банкрот тўғрисида»** қонун қабул қилдик. Ўйлайманки, агар давлат шу корхоналарни тарқатиб юбориб, ишчиларга нафақа тўласа ҳам ҳозиргидан камроқ зарар кўрар эди.

Уларни хусусийлаштириш, керак бўлса, тадбиркорларга шахсий мулк қилиб бериш керак, деб ўйлайман. Ишонаманки, бу корхоналарни ўз эгасига топширсак, иқтисодий аҳволи яхшиланади, гуллаб-яшнаб кетади.

Минг афсуски, бугунги ўтиш давридан фойдаланиб, баъзи бир нафс балоси гирдобига тушган раҳбарлар ўз манфаатини кўзлаб, нопок йўлларга, ҳатто жиноят йўлига ўтиб кетаётган ҳолларни учратиш мумкин.

Кейинги вақтда айрим ташкилот раҳбарларининг порахўрлик, молиявий хатолар ва талон-торожлик йўлига кириб қолгани фош бўляпти.

«Ўзбеккабель» бирлашмасининг раҳбарлари қандай қўпол хатоларга йўл қўйгани сизларга матбуотдан маълум. Бу бирлашмага ўтган йили 12 минг тонна қимматбаҳо маҳсулот — мана шу Ўзбекистон заминидан чиққан мис мақсадли йўналиш, шу жумладан, мамлакат эҳтиёжи — давлат буюртмасини бажариш учун ажратилган эди. Натижада эса унинг маълум қисми талон-торож қилинган. Бу ерда сўм-купон, рубль ва доллар ҳисобидаги миллионлаб пул маблағлари соврилиб кетди. Бунда бевосита айбдор бўлган, нафси ҳакалак отган кимсалар бугун қонун олдида жавоб бермоқда. Афсуски, Тошкентдаги бошқа завод ва ташкилотларда ҳам шунга ўхшаш воқеалар рўй берган.

Ишлаб чиқариш корхоналарини хусусийлаштириш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш билангина бугунги иқтисодий инқироздан чиқиш қийин. Энг аввало, ишлаб чиқаришга тадбиркор, ақлли, ташаббускор, иш ва жамоа манфаатлари ҳақида жон куйдирадиган инсонлар етакчилик қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Лекин, минг афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги айрим раҳбарларнинг суяги эски замонда қотган, ишга муносабати ўзгармаяпти. «Бугунги вазиятдан фойдаланиб қолиш керак, эртага ким билади, нима бўлади», деб юрганлар ҳам кам эмас.

Хўш бундай кимсалардан ва, умуман, бундай аҳволдан қандай қутулиш мумкин? Менинг фикримча, қутулиш чораси битта — ишчан, ақлли, иродали, иймони бут, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга интилувчи, юрагида Ватан туйғуси кучли бўлган ёш кадрларга ишониш ва ишни уларга топшириш керак.

Биз бугун фақат Тошкент шаҳри ҳақида фикр юритяпмиз. Лекин бу хил нохуш вазият мамлакатнинг бошқа шаҳар ва вилоятларида ҳам мавжуд. Нуқсонларнинг асосий сабаби — ўша жойларда ўтирган мансабдорларнинг ўз вазифасини бажармаслигида, деб тушунаман. Яна ўша оддий ҳақиқатни эслашга тўғри келади: ҳар қайси корхона, ташкилот, даҳа, туман, керак бўлса, шаҳар ва вилоятнинг эгаси бўлиши керак, жонкуяри бўлиши керак.

Минг афсуслар билан айтишимиз керакки, олийжаноб ва улуғвор ниятлар, одамларнинг ғам-ташвишлари, муаммо ва юмушлари четда қолиб, вазифада ўтирган айрим мансабдорлар ўйинчига айланиб, бир-бирининг жойини олиш, амал талашиш билан овора бўлаётган ҳолатларни кўриш мумкин. Шу каби иркит ҳаракату интилишда юрган кимсалар бу беш кунлик дунёни, охиратни мутлақо ўйламайдилар. Уларга инсоф, меҳру оқибат тушунчалари мутлақо бегона.

Транспорт ва алоқа хизмати ёмонлиги пойтахт аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Бу соҳа мутасаддилари хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ҳақида бош қотирмаяпти. Ҳамма билади: бугунги кунда юриб турган автобус, трамвай ва троллейбуслар сони анча камайиб қолган ва уларнинг аҳволи ачинарли. Лекин ижара усулида ишлаётган кўплаб автобус ҳайдовчилари назорат йўқлиги туфайли маршрутдан чиқиб кетиб, ўз чўнтакларини ўйлаб, истаган томонларига сафар қилишга одатланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин?

Биз шаҳар ва туман ҳокимлиги раҳбарларига соат 18 дан кейин, оддий фуқаролар сингари, шаҳар транспортида юришни маслаҳат берган бўлур эдик. Чунки улар хизмат машиналарининг пардали деразалари ортидаги ҳаётдан анча узилиб қолган кўринадилар.

Бугунги кунда шу соҳадаги кадрларнинг қўнимсизлиги туфайли корхоналарда 580 нафар автобус ҳайдовчиси, 160 нафар трамвай ҳайдовчиси, 200 нафарга яқин троллейбус ҳайдовчиси етишмайди.

Ана шундай сабаблар оқибатида шаҳар аҳолисининг бекатларда узоқ вақт қолиб кетиши, манзилига вақтида етиб боролмаслик ҳоллари рўй бермоқда.

Метро ишчиларининг фаолияти ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёрдам бериш, ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари мутлақо раҳбарлар эътиборидан четда қолган.

Биз шаҳар транспортининг бир маромда ишлаши учун ҳамма чорани кўряпмиз. Яқинда Чехиядан 50 та трамвай вагони, 100 та троллейбус, Туркиядан 500 та замонавий автобус келтирилиши кўзда тутилмоқда. Уларни пахтамиз эвазига сотиб оляпмиз.

Лекин шу соҳанинг мутасадди раҳбарлари ҳам жон куйдириши керакми-йўқми? Қачонгача шаҳар транспортидаги тартибсизликлар давом этади, хизмат савияси ниҳоятда ачинарли аҳвозда қолади? Яна бир табиий савол: кўп жойларда корхона раҳбарлари енгил замонавий мошин — «иномарка» сотиб олиш билан банд. Шуларнинг ўрнига меҳнаткашларни, аҳолини олиб юрадиган автобуслар сотиб олишни уларга ким ман этган?

Эски шаҳар ҳудудида яна-ётган аҳолининг нима айби бор— бунисини билмадим-у, лекин ободончилик масаласида, умуман, инсонга муносиб шароит яратиб беришда уларга ўгай кўз билан қаралаётгани аниқ. Эски шаҳар аҳли жуда қаноатли ва олижаноб халқ, газ ва канализация ўтказилганидан бери осмонга етиб юрибди. Лекин, азиз биродарлар, бизнинг улардан ҳали қарзимиз кўп. Модомики, транспорт масаласи хусусида гапирар эканмиз, келинг, бу ишнинг эски шаҳар қисмидаги аҳволи билан ҳам қизиқайлик.

Қарийб 700 минг киши истиқомат қилаётган эски шаҳар кўчаларини яна бир карра кўз ўнгимиздан ўтказайлик: ахир, бу кўчаларда автобус ёки троллейбус юрса — одам юролмайди, одам юрса—автобус ёки троллейбус юролмайди. Жазирама ёз иссиғида ёки қаҳратон қиш совуғида одам боласи жон сақлаб турадиган бирорта тузукроқ бекат ҳам йўқ. Менимча, шаҳар ҳокимлиги бу масалани жиддий ўрганиб, зудлик билан чора кўриши лозим.

Энди қурилиш масаласини олиб кўрайлик. Шаҳарда якка тартибда уй қуриш ниятида қарийб 12 минг талабнома берилган. Шундан атиги 4800 тагина талабнома қондирилган, холос, қолган 7200 талабнома шу кунга қадар эътибордан четда турибди.

Якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун кредит маблағлар ажратиш жуда муҳим масаладир. Шуниси ачинарлики, кредит сўраб берилган 14 минг талабномадан шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида бор-йўғи 60 таси қондирилган, холос. Ана шу талабномаси қондирилганларга ҳам қарийб 3 миллион сўм ўрнига 1,5 миллион сўмгина ажратилганини қандай тушунмоқ керак?

Бизда ота-боболардан мерос ажойиб фазилат бор: маҳаллий миллат топганини, аввало, уй қуришга сарфлайди. Эртага ўғлимни уйлантирсам, қайга жойлайман деб ташвиш чекади.

Оғирлигини давлат зиммасига юкламай. Ўзим уй қуриб оламан деган ана шундай одамларга нега имтиёзли кредитлар бермаймиз? Нега уларни оворага сарсон қиламиз? Қаранг, 14 минг мурожаат бўлибдию, шундан 60 таси қондирилибди. Бу ўтакетган расмиятчилик, лоқайдлик эмасми?

Одамларга ғамхўрлик қилиш, 20—30 йилга, керак бўлса, 40 йилга кредит бериш лозим. Ўзи тўламаса, фарзандлари тўлайди.

Хуллас, шаҳарликларга кўпроқ имкон бериш, уларга уй-жой қуриш борасида ёрдам қилиш шаҳардаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак! **Ҳақли савол туғилади: шаҳарда бу масалалар билан шуғулланувчи раҳбарлар борми ўзи ёки йўқми? Бор бўлса, улар ҳозиргача нима иш билан шуғулланган?**

Тошкент шаҳар телефон алоқаси хизматида кейнинги уч йил мобайнида ишнинг сифати ёмонлашаётгани аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётир.

1994 йил июнь ойида Тошкент шаҳар алоқа тармоқларида ишламайдиган телефонлар 25 фоизни ташкил этди. Станцияларарo тармоқнинг 1820 йўналишидан 132 тасида умуман алоқа йўқ. Тармоқда материал-техник ҳолатнинг оғирлигини баҳона қилиб, ўз камчиликларига танқидий қарамаслик, ташаббуснинг йўқлиги ва лоқайдлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳатто бирор жойга қўнғироқ қилмоқчи бўлсанг, мақсадингга етишинг амримаҳол. Кабелларнинг сув ичида қолиши, аппаратларни вақтида профилактик таъмир қилиш раҳбарларнинг эътиборидан мутлақо четда қолган. Республика раҳбарияти талаб қилгандан кейин алоқа хизматидаги йўл қўйилган катта хатолар учун Тошкент шаҳар телефон алоқалари бирлашмаси бошлиғи П. Умаров, унинг ўринбосарлари, бир қанча телефон тармоқларининг бошлиқлари ишдан олинди. Савол туғилади: шаҳар ҳокимлигида **шу соҳа билан шуғулланувчи раҳбарлар нимага бунчалик масъулиятсизликка йўл қўйди? Ҳокимлик уларга ўз вақтида нега талаб қўймади? Нега уларнинг масъулияти вақтида эслатилмади?**

Бир ҳолат кишини ажаблантиради: айрим раҳбарлар кимни ишдан олса, Президент номи билан олади. Ишга эса ўз номидан қўяди. Бозордаги битта паттачини ишдан бўшата олмайдиган ҳоким ҳокимми? Бунақа ҳоким нега керак? Фақат савлат тўкиб юриш учунми?

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 60 та стационар ва 156 та амбулатория-поликлиника мавжуд бўлиб, уларнинг 3 фоизи ҳанузгача марказий иситиш тармоғига уланмаган. Шаҳарда қарийб 52 фоиз тиббий «тез ёрдам» шифокорлари, участка терапевти, педиатр етишмайди. Натижада «тез ёрдам»ни соатлаб кутилади. Бунинг устига, уларнинг машинаси ишламайди, телефони ишламайди, турли-туман баҳоналари эса беҳисоб.

Профилактика ишларининг ёмонлиги туфайли, айниқса, ўткир ичак касаллиги билан оғриганларнинг 70 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шу кунгача шаҳарда маиший корхоналарнинг чиқинди ва ахлатларни ўз вақтида олиб кетиш масаласи ҳал қилинмаган. Ҳар куни шаҳар ҳудудида минг тоннадан ортиқ чиқинди тўпланиб қолаётганини шаҳар раҳбарлари кўрмайдими?

Тошкент даволаш муассасалари, дорихоналари ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида кўпдан-кўп шикоятлар тушмоқда. Шаҳар аҳолиси дорихоналарда ҳеч топа олмаётган дори-дармонларнинг бозордаги чайқовчилар қўлида ақлбовар қилмайдиган нархларда исталганча топилиши тоқат қилиб бўлмас ҳолдир.

Биз дори-дармон сотиш масаласида куни кеча махсус Фармон қабул қилдик. Ана шу Фармонни қатъият билан амалга ошириш зарур. Қимки кўча-кўйда еки бозорда дори-дармон сотаётган бўлса, қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Ўзингиз ўйланг, қатта миқдордаги пулга дори сотиб олсангизу, кафолати бўлмаса, у даво бўлиш ўрнига соғлиққа зиён етказса, ҳатто одамнинг ўлимига сабаб бўлса! Бу нима деган гап, ахир?

Шу йил июль ойида бозорларда 135 шахс 150 турдаги 837 кути дори-дармонни ғайриқонуний сотаётгани аниқланди. Биргина Ринат Бахтиев деган кимсанинг уйидан 2 миллиард сўм-купонлик дори мусодара қилинди. **Ваҳоланки, 1994 йилнинг биринчи ярмида шаҳар дорихоналари эҳтиёжнинг 10 фоизи миқдорида дори-дармон билан таъминланди, холос.**

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, шаҳарда соғлиқни сақлаш масаласи билан мутлақо шуғулланмай қўйилган. Акс ҳолда бозорда сотилаётган дори-дармон қаердан олинаётганини, олиб-сотарларни кимлар дори билан таъминлаётганини аниқлаш қийин эмас эди. Лекин бундай ишларни охиригача етказиш учун одам масъулиятли бўлиши керак.

Муҳтарам биродарлар, айтинглар, умуман, **хизмат соҳаларини назорат қилиб туриш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, хизмат савиясини оширишни талаб қилиш кимнинг иши ўзи?** Бизда мансабдор, амалдорлар, шунга мутасадди шахслар етарли эмасми?

Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда «Ҳой, барака топкурлар, саратон келди, кунлар иссиқ, одамларга сув беринглар!» деган эдик, мана, барча жойда минерал сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар пайдо бўлиб қолди.

Ақлли одамга биргина ишора кифоя, деган ҳикмат бор. Наҳотки, мутасадди кишилар шуни ҳам тушуниб етмаса? Энди шаҳар транспорти ва бошқа хизмат соҳалари билан ҳам Президентнинг ўзи шуғулланиши керакми?

Ҳар ким ўз нонини ҳалол топса, ўз вазифасини тўғри бажарса, олам гулистон бўлмайдими, ахир?

Мен, одатда, масъулиятли лавозимга тайинланаётган одамдан: шу иш қўлингиздан келадими, билмингиз, тажрибангиз етадими? деб сўрайман. Кўпчиликнинг жавоби шундай бўлади: мен солдатман, қаёққа юборсангиз боравераман, содиқман ва ҳоказо. Бу ерда битта «шарт» бор: агар катта лавозим таклиф қилинаётган бўлса.

Нега ҳеч ким ўзига баҳо бериб, имкониятини чамалаб кўрмайди? Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди, деб очиқ айтмайди?

Аслида ҳар соҳанинг бевосита раҳбари, халқимиз тилида айтганда, ҳар соҳанинг ўз эгаси бор. Афсуски, улар кўпроқ **тантанали маросимларда кўриниш берадилар ва савлат тўкиб ўтирадилар, холос.** Топширилган иш учун жавоб бериш талаб этилганида эса, ҳеч кимни топиб бўлмайди. Ҳамма айбни бир-бирига ағдаравераси. **Хуллас, муаммо кўп-у, ҳал қилувчи йўқ, раҳбар кўп-у, жавобгар йўқ.**

Кўпчилик хафа бўлмасин-у, айрим раҳбарларнинг ғалати хислатлари ҳақида гапирмоқчиман. Улар қўл остидаги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юқори амалдорлар олдида эса, саккиз букилиб салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида калласини шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз! Ана шуларни кўриб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янглишиш нақадар мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлигига амин бўласиз. Тошкент шаҳрида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бир назар ташлайлик. Ҳозир шаҳарда 500 дан зиёд қўшма корхона рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги ҳали тўла ишга тушмаган. Бундай корхоналар, айниқса, Мирзо Улуғбек, Юнусобод ва Яккасарой туманларида жуда ҳам кўп.

Хўш, ички бозоримизни сифатли маҳсулот билан таъминлайдиган ва хорижга мол чиқариб, мамлакат валюта заҳирасини бойитиши лозим бўлган **бу қўшма корхоналар фаолияти билан биров қизиқяптими?**

Мулкни давлат тасаррифидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам ниҳоятда суст амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, шаҳарда зарар кўриб ишлаётган савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат шохобчалари, кичик ва ўртача саноат корхоналари жуда ҳам кўп. Уларни ўз эгаларига тезроқ топшириш керак.

Ишончим комилки, боя айтганимдек, **тадбиркор ва ишнинг кўзини биладиган одамлар бундай корхоналарни тезда гуллатиб-яшнатиб юборади. Ўз шаҳрини обод қилишга аҳд қилган ҳар бир ҳоким бозор иқтисодиётининг энг муҳим шарти — мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини, маҳсулот ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳаларида ўзаро рақобатни вужудга келтиришга алоҳида аҳамият беради.**

Бозор муносабатлари маълум даражада ишсизликни келтириб чиқариши табиийдир, корхона ва ташкилотлар берган рўйхат бўйича **шу йилнинг биринчи чорагида 4 мингдан зиёд одам ишдан бўшаган. Лекин шу пайтнинг ўзида 14 минг 736 иш жойи бўш турган.** Иш жойлари асосан саноат, қурилиш, транспорт, алоқа хизмати каби соҳаларда мавжуд. Бу муҳим масалада корхона ва тегишли идораларнинг бошини қовуштирадиган раҳбар борми-йўқми, деган савол туғилади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз одатда иқтисодий қудратни фақат ишлаб чиқариш қувватларида деб тушунамиз. Аммо жаҳонда бошқа тажрибалар ҳам бор. Оқилона йўлга қўйилган банк тизими, биржалар фаолияти ҳам ўз давлатларига жуда катта фойда келтирмоқда.

Кейинги пайтларда Тошкентда бир неча машҳур хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилди. Шунга қарамай, биз банкларимиз фаолиятида кескин ўзгаришларни сезмаяпмиз. Очиғини айтганда, уларнинг молия бозоридаги «шогирдлик» даври анча чўзилиб кетмоқда.

Банкларимиз фақатгина мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни таъминлабгина қолмасдан, хорижий мижозлар маблағи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўядиган пайт келди. Яқиндагина Алматида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарларининг аҳдлашуви асосида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг таъсис этилиши бунга янги имкониятлар очиб беришига аминмиз. Қардош дўстларимиз билан алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг аҳамияти катта. Тошкент шаҳрида бу борада хайрли ишлар қилинаётганини айтишимиз керак. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида тузилган шартнома бунинг ҳуқуқий асосларини яратади. Шу билан бирга, ҳамкорлик қўлами ҳозирча Тошкентдек шаҳри азим имкониятлари даражасида дея олмаймиз.

Агар ўзаро талаб ва эҳтиёжлар батафсил ўрганиб чиқилса, ҳамкорлик йўлидаги бюрократик тўсиқлар олиб ташланса, ҳозир ярим қувват билан ишлаётган шаҳар корхоналари имкониятини анча ошириш, Тошкент бозорларидаги деҳқончилик маҳсулотлари нархларини анча арзонлаштириш мумкин бўлур эди.

Бизнинг асосий вазифамиз — халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштириш ва ички бозорни маҳсулот билан тўлдиришда тадбиркорларга кенг йўл очиб беришдан иборатдир.

Шу ўринда яна бир карра раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки бугун ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир.

Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Халқ ҳамиша ўз дастурхонига, туриш-турмушига қараб раҳбарларнинг ишига баҳо беради. Халқимиз сабр-тоқатли, чидамли халқ. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — ўта масъулиятсизлик, ноинсофликдир. Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор масалада халққа мурожаат қилинса, «Эй халойиқ, мана шундай масала, тўсиқ бор, шуни ечишга ёрдам беринглар» дейилса, халқ доимо «лаббай!» деб жавоб беради. Халқ — катта куч. Ҳамма гап шу кучдан оқилона фойдаланиш, одамларни савобли, ижобий ишларга жалб қила билишда. Агар мансабдор, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар, ташаббус кўрсатиб, жонкуярлик қилиб, курашга аввало ўзи бел боғласа, қолаверса, халққа мурожаат қилса, ҳар доим халқимиз ёрдамга чиқади.

Жамиятда адолат тамойилларини тиклаш борасидаги ишларимизни, жиноятчиликка, порахўрликка, таъмагирликка, зўравонликка қарши муросасиз чора кўраётганимизни халқимиз қўллаб-қувватлаётир. Аҳмал Икромов туманидаги «Пахтакор» маҳалласи оқсоқолларининг мактубида шаҳар ҳаёти ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачиниш билан баён қилинади. Улар бозорлардаги, кўчалардаги аҳволдан бениҳоя ранжиб, шаҳарда мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатишни сўрайдилар. Ана шундай камчиликларни бартараф этиш фурсати етди, деб ўйлайман.

Инсон самарали ишлаши учун энг аввало хотиржам яшаши керак. Шаҳар осойишталигини таъминлаш мақсадида бирмунча ишлар қилинмоқда. Тошкентликларнинг ўзлари пойтахтда жамоат тартиби сақлаб турилганини, шаҳар тинч ва осойишта бўлиб қолганини эътироф этмоқдалар. Тошкент милицияси жиноятчиликни сезиларли даражада пасайтиришга, унинг оғир турларини анча камайтиришга муваффақ бўлди.

Мен кечқурун ишдан қайтар эканман, кўча-кўйларда бола-чақасини етаклаб, бемалол сайр этиб юрган одамларни, айниқса аёлларни кўриб қувонаман.

Шу билан бирга, бу масалада сал бўлса-да хотиржамликка берилиш жуда хавфлидир. Ҳали ҳам шаҳарда давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, жиноятчиликнинг баъзи бошқа турлари содир бўлиб турибди.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада кўпроқ иш қилинмоғи, **коррупция, порахўрлик ва рэкетга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим.** Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак, деб ўйлайман.

Тошкентда 2 миллион 200 мингдан зиёд одам яшайди. Келди-кетди ҳам ниҳоятда кўп. Ўзбекларда: шаҳар бедарвоза эмас, деган гап бор. Шундай экан, Тошкентнинг дарвозаси бўлиши керак. Шаҳарнинг эгаси бўлиши даркор. Шимолдан, турли ёқлардан келаётган ҳар хил дайди ва муттаҳамларни ушлаб, келган жойига қайтариб юбориш керак.

Тошкентда жиноят оламининг машҳур намояндалари — «авторитет»лар кўп эди. Уларнинг аксарияти тугатилди. Баъзилари ҳозир тижорат йўлига ўтган. Лекин ёш, ҳаётни тушуниб етмаган, халқ тили билан айтганда, «ўпкаси йўқ» зўравонлар пайдо бўлаётгани аҳолини ташвишлантирмоқда. Ана шу жиноятчилар билиб қўйсин, уларга қаршиши шафқатсиз кураш тўхтамайди. Ҳар қандай зўравоннинг танобини тортиб қўйиш қўлимиздан келади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма — у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсунишга мажбур. Шунинг учун такрор айтаман, айрим «бели бақувватлар» ҳам, қутириб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади. Қулоқ солмай ҳам кўрсин-чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим.

Ўзбекистон ҳукумати маҳ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия қўмитаси яқинда Мустақиллик кунининг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирлар режасини тасдиқлади.

Улуғ байрамга тайёргарлик жараёнида партиямиз ташкилотларининг оммавий-сиёсий ишларини кучайтириб юбориш, миллий истиқлол ва она-юртимизда юз бераётган ўзгаришларнинг моҳияти ва тарихий аҳамиятини фуқароларга тушунтириш катта ўрин тутади. Ана шу хайрли ишда маҳаллий партия ташкилотлари, тарғиботчи ва ташвиқотчиларга кўмаклашиш мақсадида бугун биз Марказий Кенгаш Сиёсий Ижроқўми маъқуллаган суҳбатлар, учрашувлар, илмий-амалий анжуман ва бошқа оммавий-сиёсий тадбирларнинг намунавий мавзуларини эълон қилмоқдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СУҲБАТЛАР, УЧРАШУВЛАР, МАЪРУЗАЛАР, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ВА БОШҚА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон ХДП Раиси, республика Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг буюк келажаги, халқимизнинг нурли истиқболи тўғрисида.
2. Миллий мустақиллик — халқимизнинг улкан тарихий ғалабаси.
3. Мустақиллик — Ўзбекистон буюк келажагининг муҳим шарти.
4. Мустақилликнинг уч йиллиги: ютуқлар, муаммолар, вазифалар.
5. Янгиланиш ва бунёдкорлик йиллари.
6. Мустақиллик ва миллий давлатчилик.
7. Мустақиллик ва иқтисодий ислоҳотлар.
8. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш — ҳаётий зарурат.
9. Миллий пулимиз — миллий ғуруримиз.
10. Иқтисодиётни ислоҳ қилишга муносиб ҳисса қўшиш — ҳар бир меҳнаткашнинг фуқаролик бурчи.
11. Ташаббускорлик, тадбиркорлик, самарали меҳнат — мустақилликни мустаҳкамлашнинг бош омиллари.
12. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати — амалда.
13. Мустақиллик ва маънавий янгиланиш.
14. Мустақиллик ва маданий меросимиз.
15. Мустақиллик ва халқ таълими ислоҳоти.
16. Истиқлолга монанд ёш авлодни тарбиялаш—умумдавлат, умумхалқ иши.
17. Ўзбекистон Халқ демократик партияси — ислоҳотчи, бунёдкор ва ижодкор ватанпарварлар партияси.
18. Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси — миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштирган дастурий ҳужжат.
19. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ва вазифалари.
20. Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг бирлиги, иноқлиги, ҳамкорлиги — мустақилликни мустаҳкамлаш гарови.
21. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш — ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз.
22. Порахўрлик, чайқовчилик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш — долзарб вазифа.
23. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати—тинчлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсати.
24. Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг ташқи сиёсий ташаббуслари.
25. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш — мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти.
26. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги — мустақил тараққиёт талаби.
27. Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш — ҳаёт тақозоси.
28. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг Алмати (1994 йил июль) учрашуви ва унинг аҳамияти.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот маркази.

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ромитан туман кенгаши Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини байрам қилиш тўғрисида»ги қарорига жавобан тарғибот-ташвиқот гуруҳи ташкил этди.

Ўн етти кишидан иборат бу гуруҳ аъзолари туман хўжаликлари, саноат корхоналари, қурилиш майдонларида меҳнат қилаётганлар ҳузурида бўлиб, мустақилликка эришилганидан буён мамлакатимизда рўй берган салмоқли ўзгаришлар ҳақида жонли мулоқотлар ўтказишяпти. Тарғиботчилар мустақилликни мустаҳкамлаш учун янада жипслашган ҳолда фаолроқ меҳнат қилишга барчани ундамоқдалар.

Гуруҳ аъзоларининг «Ромитан», Ибн Сино номли, «Халқобод» жамоа хўжаликларида ўтказган дилкаш суҳбатлари кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди.

Даврон БАҲРОНОВ.



Келажак процессори



Power Macintosh 6100/60



Power Macintosh 7100/66

Power Macintosh 8100/80

бугунги Макинтошларда ишламоқда

Бугун Apple Computer фирмаси Сизнинг эътиборингизга Power Macintosh - PowerPC процессорлар асосида ишлайдиган биринчи компьютерларини ҳавола этади

PowerPCтехнологияси шахсий компьютерларнинг қиёфасини ўзгартиради. У билан бирга Apple™ Макинтош компьютерларининг янги авлоди яратилмоқда.

Power Macintosh илгари фақат компьютер тармоқ серверлари ва оғир ишчи станциялар бажара оладиган унумдорликка эга. Бундай қувват уни нутқ, видео ва телекоммуникацияларни ажратиш қобилияти бирлаштирган, Apple-ни графика ва AudioVideo-технологияларида алоҳида фойдаланиш учун жадвал ҳисоблаш масалаларга мумкин қадар яроқли қилади.

Power Macintosh ўзбек ва рус тилларидаги операцион тизимларига эга бўлган ҳолда, Макинтош учун тузилган минглаб дастурлар билан ва, ундан ташқари, DOS ва Windows билан қўшилиб ишлайди. Янги ечим RISC-PowerPC процессорининг афзалликларидан тўла фойдаланиётган ўнлаб амалий дастурларга эга.

Ҳозир биз ҳар бирининг унумдорлиги Intel Pentium процессори негизидаги машиналарга тенг балки устун турадиган учта турдаги Макинтошларни тақдим этамиз:бу арзон Power Macintosh 6100/60, унумдорли 7100/66, ва энг қувватли модель - 8100/80.

Янгича ечимнинг афзалликлари фақат Power Macintosh туркумигагина таалуқли бўлиб қолмасдан, балки мавжуд Макинтош моделларининг кўпчилигини қўшимча платалар ёрдамида замонавийлаштириш мумкинлигидадир.

Агар келажагингиз компьютерлар билан боғлиқ бўлса, шундай қилингки, унда келажак учун ҳам жой топилсин.

PowerPC™ Macintosh

Келажак етиб келди. Ва у Сиз кутганингиздан ҳам яхшироқдир

Кўпсонли дилерлар Сизнинг хизматингизга тайёр. ABSYS- Asian Business SYStems Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир. Apple расмий дилерлари: Нурон Ltd.- 67-22-08, ВаДиМ Ltd. - 33-14-19, Технезис-Инфо- 67-19-10, Ўзбексавдо ДАА РИХМ - 39-40-48.
© Apple Computer, Inc. 1994. Муаллифлик ҳуқуқлари сақланади. Apple, Apple логотипи, Макинтош, Macintosh ва Power Macintosh - бу Apple Computer, Inc.-нинг руйхатга олинган савдо маркаларидир. PowerPC- бу International Business Machines корпорациясининг руйхатга олинган савдо маркасидир ва лицензия бўйича ишлатилмоқда. ABSYS- бу Asian Business SYStems- Authorized IMC компаниясининг руйхатга олинган савдо маркасидир. Ушбу реклама Macintosh компьютерида тайёрланган.

АЖАБ САВДОЛАР

«ЯРМИ ГЎЗАЛ, ЯРМИ ХУНУК...»

ЁХУД ДИРЕКТОР НЕГА ЎҚИТУВЧИГА ХУСУМАТ ҚИЛДИ?

Адолатнинг йўли узун, айни пайтда машаққатли кечади. Эътиқоди бутун, виждони тоза кишиларгина адолат йўлини танлайдилар. Аксинча, «Мен ҳақман» деб кўкракка уриб, ҳақиқатни оёқ ости қилувчилар ҳам баъзан ҳақиқатпарварлик талаб қиладилар. Шу боисдан ҳам бир қарашда ким ҳақ, ким ноҳақ, буни тез илғаб олиш қийин. Навоий педагогика билим юртида рўй берган ва айни пайтда ҳам зўрма-зўраки давом этаётган нохуш воқеалар бунга мисол бўла олади...

Шу йилнинг январь ойида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги «Навоий педагогика билим юрти фаолиятидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» буйруқ чиқарди. Буйруқда ушбу ўқув масканидаги ўқув-тарбиявий ишларнинг пасайиб кетганлиги ҳамда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли унинг директори ва директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ўз лавозимларидан бўшатилдилар. Буни собиқ директор қонуний, деб тан олди ва ўз ихтиёри билан ишдан бўшашга ариза берди. Вазирнинг 11 январь 1994 йил 6-сонли буйруғида директорлик вазифасини вақтинча бажариб туриш билим юрти сиртқи бўлим мудири, ХДП аъзоси Фарҳод Бобомуродов зиммасига юклатилди. Мазкур буйруқнинг учинчи бандида шундай дейилади: **«Навоий педагогика билим юртининг вақтинчалик директори вазифасини бажариш шу билим юрти бўлим бошлиғи Ф. Бобомуродовга юклатилсин ва унга барча пул ва банк ҳужжатларига биринчи имзо чекиш ҳуқуқи берилсин...»**

Кўриб турибсизки, ҳурматли вазиримизнинг буйруғида билим юртида сардорликни вақтинча бошқариб туриш уқдирилган. Бироқ бу ҳужжат Ф. Бобомуродов бошига беҳад ташвишлар, нохуш маломатлар олиб келди. Буйруқ ўқув юрти жамоасига энди таништирилаётган бир пайтда Навоий вилояти ҳокимлиги масъул ходими мажлис хонасига қўққисдан кириб:

— Мажлисни тўхтатинглар... Бобомуродовга берилган буйруқ «недействительний!»— деб қолди.— Вазирликнинг бундай қилишга ҳаққи йўқ!..

Бу нописандлик Ф. Бобомуродовнинг нафсониятини қаттиқ ларзага солди, ўқув масканидаги кўпчилик ҳамкасбларини хафа қилди. Қолаверса, бу вазирликка нисбатан ишончсизликдай туюлди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, билим юртига янги директор келди. Уни жамоага таништириш чоғида вилоят ҳокимлигининг яна бир масъул ходими ўзидан олдин билим юртига келиб, мажлиснинг «белига тепган» раҳбарнинг нохуш муомиласини юмшатиб, жамоага қарата насиҳатомуз деди:

— Энди, азизлар, олдингги гина-қудратларни унутиб, баҳамжиҳат бўлиб ишланглар. Ишларингизга зафар ёр бўлсин!..

Шундан кейин ҳаммаси изга тушиб кетиши мумкин эди, ҳатто шундай бўлиши муқаррар эди. Сабаби, Ф. Бобомуродовда лавозимга иштиёқмандлик, мансабпарастлик йўқ эди. Афсуски, янги директор Жўра Урчинов тутган ноқонуний йўл баринги тескари қилиб ташлади ва жамоада самимият йўқолди, кимнидир кимга «рақиб» қилиб қўйди. Бу сўниқ кайфият билим юртида ҳаливери давом этади, чоғи!..

Урчинов аввало тазйиқни Фарҳод Бобомуродовдан бошлади: уни кабинетига чақириб, ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб кетиш ҳақида «ультиматум» қўйди. Билим юртининг сиртқи бўлими мудири, жонфидо ўқитувчи Бобомуродов бунинг сабабини сўраганида, янги директор уялмай-нетмай гапнинг дангалига кўчади:

— Ўзингиз биласиз, икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас, дегандар. Кетишингиз керак. Хотинингиз ҳам кетади, ўртоқларингиз ҳам кетади... Ҳокимиятдан шундай топшириқ бор...

Бобомуродов билдики, вазирликнинг ўша «вақтинчалик» деб берилган буйруғи бошига бало бўлди. Буни қарангки, «Буйруқ» Урчиновда Бобомуродовга нисбатан хусумат туғдирибди...

Директор ред жавоби олгач, Бобомуродов иш хонаси қулфига кафтдай қоғоз ёпиштириб, муҳрлаб ташлади. Бир қатор «муҳим ҳужжатлар»ни Бобомуродовга пеш қилиб, «агар кетишга рози бўлмасанг, ушбу «жиноят папкаси»ни прокуратурага ошираман», деб айтади. Бобомуродов ўз ишида ҳалол эканлигига, қўли покизалигига ишонарди. Урчинов унга дўқ-пўписалар кор қилмаётганини кўриб, 1994 йил 17 февралдаги 20-сон буйруғи билан Ф. Бобомуродовни сиртқи бўлим мудирлиги лавозимидан бўшатади.

Фарҳод Бобомуродовнинг тегишли ташкилот раҳбарларидан нажот истаб ёзган арзномасидан бир шингил: **«Январь ойидан бери Урчиновнинг тазйиқларидан азият чекиб, онлам билан изтиробда яшаяпман. Турмушимда ҳаловат йўқ. Хусуматчи Урчиновнинг ғайри инсоний муносабатларига қандай чидаш мумкин? Директорнинг ноқонуний чиқарган буйруғи онламга жуда катта иқтисодий зарар етказди. Билим юртида ҳам ишлар пала-партиш, хусусан мен бошқариб келган сиртқи бўлимда аҳвол аянчли, ҳанузгача ўрним бўш турибди... Боз устига, директор ҳаливери мени тинч қўймайди чоғи: устимдан ҳали ички ишлар бўлимига, ҳали вилоят прокуратурасига, ҳали халқ таълими вазирлигига, ҳали вилоят ҳокимлигига, ҳали вилоят касаба уюшмасига шикоят битириб, жўнатгани жўнатган. Барига чидаб, тишни-тишга қўйиб келяпман. Бироқ, сабрнинг ҳам чегараси бор...»**

Фарҳод Бобомуродовга ўзининг қилган ҳақ ва пок ишлари далда беради. Урчинов қанча маломату сохта ҳужжатлар битмасин, ҳозирча Бобомуродовнинг қўли баланд. Буни қарангки, яқинда вилоят касаба уюшмалари кенгаши Навоий педагогика билим юртида юзага келган аянчли аҳволни чуқур ва холисона ўрганиб чиқиб, билим юрти сиртқи бўлим мудири Фарҳод Бобомуродовни ишдан бўшатиш юзасидан Урчиновнинг 1994 йил 17 февралдаги 20-сонли буйруғини бекор қилди. Чунки ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари Мажмуасининг 43-моддаси ва «Меҳнат дафтарчаларн»ни юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2:25 бандларига тамоман зид ҳолда чиқарилган, деб топилди!..

Беайб парвардигор, дегандар. Одам фаришта эмас. Бобомуродовда ҳам анчамунча камчиликлар бордир. Бироқ умри пинҳона маломатлар тарқатиш ҳамда «думалоқ хатлар» ёзиш билан ўтган Урчиновнинг сохта ҳужжатлари Бобомуродов шаънини булғаёлмади.

Урчиновда олим, доцент деган фахрли ном бор. Фанда анча-мунча изланишлар қилиб, бугун-эрта номзодликни ёқлайман, деб турган покиза, фидойи бир йигит билан талашиб, жиққа мушт бўлиб юриши ёши анча жойга етиб қолган Урчиновдай раҳбарга ярашармикин? Бу нохушликларни эшитиб, бу гуруҳбозликдан хабардор бўлган кишиларнинг қай бири Урчиновга раҳмат дейди?! Навоий ҳазратлари беҳуда айтмаганлар: Яхши одамнинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам, қўли ҳам пок бўлғай!

Ҳар бир раҳбарман деган одам ана шу андозага ўзини бир чоғлаб кўрсин: лойиқ келса, бир гап-е, лойиқ келмаса...

Ҳақиқат эгилур, аммо синмас, деган нақл беҳуда айтилмаган. Мустақил мамлакатнинг мустақил ёшлари ҳудда-беҳуда синиб кетмасликлари керак. Улар юртбошимиз айтганларидай: «Юртим деб, элим деб ёниб яшашлари керак!» Уларни бўлар-бўлмасга кўкрагидан итариб юбориш инсофданми?

Худди шу ерда мақоламизга сўнгги нуқтани қўйсак ҳам бўларди. Ҳақ қарор топгандай бўлди-ку, бироқ Урчинов шахси ҳақида бошлаган гапимиз чала қолганга ўхшайди. Тўғри, чала ҳақиқат кимга ҳам керак. Эндиги сўз навбати Урчиновнинг билим юрти сардорлигига келгунигача бўлган қинғир ишлари, у «кашф» этган қинғир йўллар, сохта олимлиги хусусида...

Урчинов Навоий педагогика олийгоҳида узоқ йиллар директорнинг таълим-тарбия ишлари бўйича муовини бўлиб ишлаган. Раҳбарлар устидан «юмалоқ» хатлар уюштиравериб, жамоада носоғлом муҳит пайдо қилган. Кейинчалик сири ошкор бўлиб, олийгоҳ жамоаси умумий йиғинида айбини бўйнига олган. Ўшанда ҳам педагоглар унинг сохта кўз ёшларига ишонишмаган эди. Одамларни ишонтириш учун Урчинов бир энликкина тушунтириш дастхати битганини ҳозир эслармикан? Мана ўша хат матни:

«Мен, Жўра Урчинович, филнал директори ўринбосари барча аноним хатларни Зайнитдинов билан бирга ёзганман. Тўғри, Зайнитдинов таъсирига тушиб, у билан алоқа қилиб, катта ҳатога йўл қўйдим. Мени кечиринглар... (Биз буни русча ёзувдан таржима қилдик—Т. Т.) **Ж. Урчинов (имзо)».**

...Ўшанда бу воқеа бутун Навоийга шамолдай тарқалганди. Урчиновнинг қинғир ишлари кўпчиликда нафрат уйғотганди. Ҳатто вилоят раҳбарларининг кўпчилиги бу воқеадан хабар топгандилар. Илм-фан ва маърифат ўчоғларига бунақа «ноёб хислатли» кишилар ортиқча эканлигини кўпчилик билсада, лекин унинг ҳомийлари 1992 йилда уни вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректорлигига тавсия қилишди. Оз фурсатдан сўнг у негадир ректорлик курсисини директорлик ўриндиғига алмаштирди. Катта маошни ташлаб, кичик маошга ўтди. Урчинов нима мақсадда бундай қилдийкин? Ҳамма ҳайрон!..

Яқинда у яна бир қилиқ кўрсатди. Унга ишонч билдирганларнинг устидан, яъни билим юрти собиқ директори, Халқ таълими вазирлиги ходимлари, Навоий тумани судьяси ва қатор ўқитувчилар устидан нуфузли идораларга «мактуб» йўллади. Хатни бошқа кишига кўчиртириб имзолар тўплади. Ўзлари эса ўз имзосини қўймасдан, четда томошабин бўлиб, мусичаи бегуноҳдек оппоқ турланиб тураверди. Афсуски, унинг дастхати билан битилган «мактуб» ушбу шикоят хатининг мазмуни билан бир хил чиқиб қолди. Наҳотки, Урчинов раҳбар бўла туриб шундай пасткаш, зим-зиё ишларни ўзига мос деб билса?!.

Ж. Урчиновнинг илмий фаолияти ҳам кўпчиликда шубҳа уйғотади. Халқ таълими вазирлиги республика ўқув-методик маркази унинг «Зоология» экология асослари билан», «Хордалилар» тавсияномасини педагогика ва бошланғич таълим методикаси кvллиёти сиртқи бўлим талабалари учун чоп этиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Илмда ҳамиша кашфиёт талаб қилинади. Илм-фан йўли сўқмоқлардан иборат бўлади. Афсуски, Ж. Урчинов ҳар иккаласини инкор этиб, осон йўлдан боради, кўзбўямачиликка, кўчирмачиликка ўтиб олади. Ушбу қўлланмада зикр этилган айрим мулоҳазалар бошқа илмий нашрларда мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолди. В. И. Блинников томонидан ёзилган «Зоология с основами экологии», Москва, «Просвещение» (1990 йил) китобидан «унумли» фойдаланилади. Аммо негадир Блинниковдан олинган манбаларни кўрсатмайди. Ушбу рисола муаллифи китобни ё таржима қилганми ё кўчирганми? Блинниковнинг китобида «Тип хордовые» деган бой бор. Ж. Урчиновнинг рисоласида ҳам «Хордалилар типи» деган алоҳида бўлим мавжуд.

В. Блинников ёзади: **«Тип хордовых объединяет более 40 тысяч видов животных, разнообразных по внешнему виду, образу жизни и условиям обитания. Хордовые живут на поверхности суши, в толще почви, в воде и летают в воздухе»** (102-бет).

Ж. Урчинов ёзади: **«Хордалилар типига 40 мингдан ортиқ тур хордалилар киради. Уларнинг ташқи қиёфаси, кўриниши, ҳаёт кечириш ва яшаш шароитлари турли хил бўлиб, хордалилар қуруқда, сувда, тупроқ қатламларида ва ҳавода учиб юради (104-бет).**

Бундай эгизак — Ҳасан-Ҳусан жумлалар, Г. Г. Абрикосов ва бошқалар томонидан нашр этилган «Зоология курси» дарслиги (Тошкент, 1966 йил) таржима китобида ҳам учрайди. Ушбу китобдаги «Тоғайли балиқлар» деган алоҳида бобда шундай жумлалар бор: **«Балиқлар ичида энг примитив бўлган бу группага акулалар, скатлар ва ўзига хос химералар киради. Буларнинг ҳаммаси тубандаги примитив белгилари билан характерланади: териси планонд тангачалар билан қопланган ёки ялангоч бўлади (хмералар ва баъзи скатлар), жабра ёриқлари миногралардагидек ташқарига очилади, фақат хмераларда жабра ёриқларини беркитадиган тери пардалар бўлади. Скелетлари фақат тоғайдан иборат бўлиб, унда суяк йўқ (бироқ, скелетига оҳак сингган бўлиши ҳам мумкин), тоқ сузгич қанотлари билан жуфт сузгич қанотларининг дистал қисмини эластик («шох моддали») шўъалар тутиб туради, одатда, гавда сиртигача чиқадиган кенг жабрааро тўсиқлар бўлади, ҳаво пуфакчалари ва ўпкалари йўқ...»**

Энди Ж. Урчиновнинг рисоласидаги «Тоғайли балиқлар» бўлимидан олинган қуйидаги жумлаларига эътибор беринг:

«Балиқлар ичида энг примитив бўлган бу группага акулалар, скатлар киради (2 расм). Буларнинг ҳаммаси тубандаги примитив балиқлар билан характерланади: терси ё тангачалар билан қопланган ёки ялангоч бўлади. Жабра ёриқлари ташқарига очилади, скелетлари фақат...» ва ҳаказо.

Доцент Урчинов бу билан кифояланиб қолмайди. В. Блинников китобидаги яхлит-яхлит жумлаларни товуқ патини юлгандай қилиб кўчириб олаверади, ҳатто ушбу китобда келтирилган расмларни ҳам айнан ўзиники қилиб олади...

Агар биз Ж. Урчиновнинг В. Блинников, Г. Абрикосов китобларидан айнан кўчирганини ҳисобга оладиган бўлсак, Ж. Урчиновнинг ушбу ҳатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят жамоасининг қайси моддасига тўғри келади? Ҳа, майли, буни аниқлаш ҳуқуқшуносларнинг иши.

Аммо ушбу «Ажаб савдолар»да бошқа кўплаб фактларни таъриф ва тавсиф қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак деб, мақоламизни қуйидаги сўзлар билан муҳтасар этмоқчимиз: Хуллас, Ж. Урчинов оғзида адолат, ҳақиқат, эътиқод ҳақида лоф-қоф уради-ю, бироқ амалда ниммога зид ишларни қилиб юради. Бундайларни Ҳадису шарифда «ярми гўзал, ярми хунук одамлар» деб талқин этилади. Ана шу тонфа гофил бандалардан огоҳ бўлинг, одамлар!

Тўхтажурод ТОШЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ

● Ўтган кунн Москвада МДҲга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши иш бошлади.

Россия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари А. Козирев кенгашнинг очилишида «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тикланиш ва тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйганини» таъкидлади.

Кенгашда ҳамдўстлик давлатлари ўртасида интеграцияни кучайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан билдирилган таклифларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

КАНАДА ҲАМ ТИНЧ МУЗОКАРАЛАР ТАРАФДОРИ

● Япония ва Канада Шимолий Корея раҳбарининг бевақт вафотига қарамай, КХДР ядровий муаммоси музокаралар йўли билан ҳал этилишига умид билдирди.

Япония Бош вазири Томиити Мурояма Канада ташқи ишлар вазири Андре Уэлле билан учрашув чоғида Америка — Шимолий Корея музокараларининг муваффақиятли ўтиши Корея ярим оролида тинчлик ва ҳамкорлик қарор топишига омил бўлишини таъкидлади.

ТАЙВАНЬ БМТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИМИ?

● Жаҳондаги 20 давлат Тайванни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишни сўраб, БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга мурожаат этди.

Улар орасида Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа, Панама, Сальвадор каби давлатлар мавжудлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки, бу давлатлар ўтган йили ҳам БМТга шу мазмундаги мактуб билан мурожаат қилган эди. Бироқ, Хитой вакилининг кескин қаршилиги сабабли бу илтимос қўллаб-қувватланмади.

Хитой ташқи ишлар вакили ўтган ҳафта «Дунёда ягона Хитой бор. Тайвань эса унинг ажралмас қисмидир», дея баёнот берди. У Тайвань маъмуриятининг алоҳида давлат бўлишига интилишларини қувватлаш «Мамлакатни парчалашга навбатдаги уриниш», деб баҳоланишини таъкидлади. Маълумки, Тайвань 1971 йилга қадар БМТ аъзоси эди. Айни пайтда жаҳоннинг 28 мамлакати у билан расмий алоқаларга эга.

С. ФИЛАТОВНИНГ ФИКРИ

● Украннада ва Беларусда бўлиб ўтган Президент сайловларининг натижалари уч славян давлатининг яқинлашувига имконият яратади, деди Россия Президенти маъмуриятн раҳбари С. Филатов РАТА—ТАСС мухбири билан суҳбатда.

Унинг фикрича, энг аввало иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик илгаригидан тезроқ ривожланади. Фуқаролар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳи ҳам тобора мустаҳкам бўлади.

Сўз сўнгида маъмурият вакилининг башорати тўғрилигини тасдиқловчи фактни келтирмоқчимиз: ўтган душанба куни Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев украиналик ҳамкасби билан телефон орқали суҳбатлашди. Унда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлашни тезлаштириш хусусида сўз борди.

ВАЗИРНИНГ ТАШРИФИ

● СОФИЯ. Ўтган кунн АҚШ мудофаа вазири Вилям Перри Болгария ҳукумати раҳбарлари билан учрашиш учун Софияга келди.

Учрашув чоғида Болқон ҳудудида хавфсизликни таъминлаш учун ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади. Маҳаллий телевидениенинг хабар беришича, Вилям Перри бир қанча Болқон давлатларига ҳам сафар қилади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• *Шаҳноза Исоқжонова:*

РАҚҚОСА—ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

Суҳбатдошимиз бугунги ўзбек рақс санъатига кириб келган ёш санъаткорлардан бири. Асли Фарғона водийсидан. 1979 йили ўрта мактабни олтин нишон билан тугаллаб Тошкент Санъат институтига ўқишга кирди. Кейин филармонияда ишлади, ҳозир эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ансамблда раққоса.

— Шаҳнозахон, айтингчи, раққосанинг ўзи ким?

— У, назаримда, гўзаллик тимсолидир. Рисолада-ги раққосанинг баданлари кумушдан, юзлари ойдан-да гўзал, кўзлари қуёшдек хушчақчақ бўлади. Сочлари — шаршара мисоли сочилади, ўзи эса оққуш каби кўкка интилади...

— Сиз рисоладаги деяпсиз. Энди раққосанинг саҳнада ва тўйда ўйнайдиганини биламиз. Сизнингча, «рисоладаги» деган баҳо уларнинг қай бирига кўпроқ мос келади?

— Саҳна раққосаси — бу санъат мактабини кўрган, бадиий кечинмаларини ижодкорона маҳорат билан намойиш эта оладиган санъаткор. Тўй раққосасига келсак, ҳеч қандай мактаб кўрмаган, рақсни пул топиш воситаси деб қаровчи баъзи «раққоса»ларнинг касрига шундай қараш пайдо бўлган. Тўйга боришни эса мен айб санамайман. Халқимиз санъатни жуда яхши тушунади, ўзи ажратиб олади ҳам.

— Санъатнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси... Сиз улар орасида қандай ўхшашлик ё тафовут кўрасиз?

— Тамарахоним, Мукаррама опа, Галия Измайлова ...Ўзбек миллий рақс санъатининг кечаги устунлари. Улар рақс орқали халқ билан сўзлаша олган ижодкорлардир. Ўша даврларда яратилган мактаб сабоқларидан ҳали кўпчилик авлодлар ўрганишади. Бугунги кунга келсак, моҳир раққосаларимиз жуда кўп. Улар ўша меросни моҳирона бойитиб, давом эттириб келишмоқда. Ўзбек миллий рақс санъатининг келажагини Олима Ёқубова, Гулмира Ширинова, Сўғдиёна Исроилова каби юлдузлари тимсолида кўраман.

— Хонандалардан кимларни ёқтирасиз?

— Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов ижро этган, Таваккал Қодиров ижросида янграйдиган тароналар қандайдир мафтункорлиги билан яқин. Озарбайжон қўшиқчиси Зайнаб Хонларовани тинглаганимда юрагимга таскин топгандай бўламан. Турк санъаткори Иброҳим Тотлисес асарлари дунё ичра яна бир дунё...

— Раққоса нимага муҳтожлик сезади ёки аксинча, унга нима ортиқчалик қилади?

• *УЧРАШУВ*

— Аввало, унинг вақти камроқ бўлади. Ҳаммасига — ижодга, турли сафарлар, уй-рўзғор юмушларига улгуришнинг ўзи бўлмайди. Ортиқчалик қиладигани — меъёридан кўп шон-шуҳрат, яна ўта ялтироқликнинг кераги йўқ.

Шу ўринда яна бир гап. Боя тўй раққосаси дедингиз. Ўзи умуман раққосалар тўғрисида ижобий бир гап эшитиш қийин. Гўё ҳаммаси бирдек. Аммо бу ҳам санъатнинг бир кўриниши, қолаверса, касб, ҳунар эканини унутмаслик керак. Бироз мақтаниш бўлар балки, тўйларда, ҳар хил кечаларда кўпни кўрган кекса, нуроний отахонлар қўлларини очиб дуо қилиб қолишади. Ўшандай пайтларда ўйлаб қоламан. Ўзимга ўзим савол бераман: Хўш, ўзи мен кимман? Назаримда, ҳар кимнинг ўз баҳоси бўлади. Яъни истеъдоди, маҳорати билан бирга эътиқоди, виждони дегандай. Ҳар ҳолда баҳолаганда ана шуларни назарда тутиш даркор.

Шаҳноза... унинг кулгучакликлари, ачиниб, сўзлашлари келажакда санъатнинг асл фидойиси бўлишига умидлантиради. У оилани муқаддас санайдиганлардан. Ишончсизлик, хиёнатни эса оиланинг заволи санайди. Шу боис инсон ўзида оилавий масъулиятни ҳис қила олсагина турмуш қургани маъқул дейди. Йўқса, иккинчи киши бир субутсизликнинг қурбонига айланади.

— Ўзимга келсам,— дейди у,— албатта оила қурмоқчиман. Фақат, унинг санъатни ҳам мени севгачалик севишини, ҳурмат қилишини истайман. Шу...

— Нима деймиз, ижодингиз гуркирасин.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

• *ДАН огоҳлантиради*

ШОШМАНГ, ҲУЖЖАТИНГИЗ БОРМИ?

Ҳаётимизни транспортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, ҳайдовчиларсиз ҳам. Уларнинг ҳушёрлиги, эътиборлилиги замирида жамики тирик мавжудотлар ҳаёти мужассам. Буни йўлга чиқаётган ҳар бир транспорт бошқарувчиси англаб етмаса, кўнгилсизликлар давом этаверади.

Неъматжон Абдуллаев талаба, Учқўрғондаги 3-ҳунар техника билим юртида ўқийди. Ҳотамтой акаси Иззатулла Хўжахонов «ВАЗ-2101» русумли «К 70—82 НА» давлат белгили машинасини ун-га бериб қўйди. «Учқўрғон—Бурилма» йўлининг 22-чақиримида бошқарувни эплай олмаган Н. Абдуллаев йўл четидаги бетон устунга урилиб, ўзи қаттиқ жароҳат олди. Транспортга жиддий шикаст етди. Шунингдек, мазкур тумандаги Қайқи қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Расулжон Эргашев ҳам ҳуқуқи йўқлигига қарамасдан акаси Алижонга тегишли «Мерседес-250» русумли «С-80—59 ТШ» давлат белгили автомобилда «Учқўрғон—Бурилма» йўлида велосипедда бораётган Абдумалик Нишоновни уриб юборади ва унинг ҳаётига зомин бўлади.

Чуст туманидаги Ахча жамоа хўжалиги ишчиси Юнусали Суяровнинг қилмиши ҳамманикидан ошиб тушди. У «М-412» русумли автомобилни гувоҳномасиз бошқаргани етмагандай, спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилиб олган экан. «Поп—Зовуткан» йўлида Ғулом Юсупов бошқарувидаги КамАЗ юк автомобили билан тўқнашув содир этиб, ўзи ва йўловчиси О. Бегматов тан жароҳати олишди. Тўрақўрғон пахта тайёрлов пунктидаги ёрдамчи хўжалик молбоқари Ғанижон Турғунов эса мотоциклни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб, «Тўрақўрғон—Жомашўй» йўлида бир йўла уч киши — Ҳамида, Ҳабиба ва жажжигина Марғуба Алиматоваларни шикастлади.

Бундай фуқаролардан уч мингтаси нозирларимизнинг йил бошидан бери тузган рўйхатига тушди. Фурсатдан фойдаланиб шуни айтиб ўтмоқчиманки, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган кишиларга транспорт берилса 45 минг сўмдан 135 минг сўмгача жарима солинади. Бу қонун амалда ўз кучини кўрсатмоқда. Ҳеч қаерда ишламайдиган Расул Саримсоқов, автосервис устаси Рустам Шерматов, «Оқтош» савдо базаси омборчиси Мамасиддиқ Нуриддиновлар ножўя ҳаракатлари учун катта миқдорда жарима тўладилар.

Булунғур тумани ДАН ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Улар бу борада кўпгина тадбирларни амалга оширишяпти.

Суратда: ДАН назоратчилари Шуҳрат Қаюмов, Аҳдуолим Раҳимов, Умар Бўрибоев ва ҳайдовчи Т. Сатторов.

А. НУРМАТОВ олган сурат.

Биз муҳтарам ота-оналарга мурожаат қиламиз. Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмай туриб, транспорт ҳайдаб йўлга чиқаётган фарзандларингизни қайтаринг. Бир дақиқали ножўя ҳаракат бегуноҳ одамлар тақдирини армонли кунларга маҳкум этишини ёддан чиқарманг.

А. ЮСУПОВ,
Наманган вилоят ИИБ ДАН бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори.

Р. ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Шатранж оламида*

«САНЪАТДАГИ САНЪАТ» ЁКИ...

Ўрта аср шатранж рисолаларининг аълоси деб тан олинган бу асар муаллифининг муқаддимадаги мана бу сатрлари диққатни тортади.

...«Шуни маълум қилмоқчиман,— дейди Абулфатх Аҳмад Сижзий,— шатранж санъатдир ва барча адаблар орасида энг олийжанобидир. Ҳокиму ҳукамолар йиғинларида нард, руд (мусиқа асбоби), шеърият қўлланилганидек, шоҳлар, олимлар ва улуғлар, бозор аҳли ва бошқаларнинг шатранжга қизиқишлари ғоят катта, улар ўз мажлисларида ҳамиша шатранж ўйнайдилар... Шатранжбозларнинг аксарияти оқил кишилардир».

XI—XII асрларда битилган бу ноёб ва нодир асарларнинг учта нусхаси топилиб, Тошкентда, Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бисотида сақланаётганлиги юртимиз шахмат ватанларидан бири эканлигидан нишона.

Маълумки, VIII—IX асрлардаёқ Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда дастлабки олиялар, яъни гроссмейстерлар етишиб чиққан ва шатранж мансубаларига асос солина бошланган эди. Машҳур халифа Ҳорун ар-Рашиднинг падари бузруквори ал Маҳдий шатранж мансуботлари, ҳозирги пайтда шахмат композициясининг ҳам отасидир.

Бундан ҳатто минг йил бурун Шарқда тузилган мансубаларнинг энг яхшилари бизгача етиб келганки, гўзаллиги ва аниқлиги билан ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Қадимги мансубалар аста-секин бир-биридан фарқ қилувчи икки қисмга, яъни маълум миқдордаги юришлардан сўнг мот билан тугайдиган масала бирдан-бир ва ажойиб юришлар оқибатида ютуққа ёки дурангга эришиладиган этюдга бўлинди.

Ҳозирги замон шахмат масалаларида авваллардагидек кучлар тенг бўлиши шарт эмас. Балки асосий тамойил ва талаб топилиши қийин бўлган ажойиб юришлар занжири — комбинацияни амалга оширишдан ва бунда тахтадаги барча донаоларнинг иштироки зарур. Ечим — киштдан бошланмаслиги керак.

Гроссмейстеру мастерларнинг айримлари амалий ўйин билан бирга композицияни ҳам ардоқлаб келадилар, ўзлари ҳам масала тузганлар. Жаҳон чемпионлари орасида ҳам шундай. Чунончи, биринчи рус жаҳон чемпиони А. Алёхин композицияни шахмат поэзияси — шеърияти деб атаган ва ўзи ҳам бу борада фаолият кўрсатган.



А. Алёхин тузган (тахтага қарамасдан!) масалалардан бири акс эттирилган. Шарти: оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

«Санъатдаги санъат» деб аталувчи композициянинг этюдлар қисми амалий ўйинга яқинроқдир.

Умуман, санъат асрлар давомида таркиб топади. Ў содда ҳолда туғилиб, кейин яшаш учун бўлган курашда шаклу шамойилини ҳимоялаб, ўзининг алоҳида хусусиятлари, тузилишига эга бўлади. Чуқурлашади, узоқ йўлни босиб ўтади. Шахматнинг ўзи ҳам худди шундай...

Яқинда бир вазиятни таҳлил қилаётиб қизиқ бир ҳодисага дуч келиб қолдим. Натижада қуйидаги этюд бино бўлди. Каминанинг бу борадаги дастлабки машқи.



Шарти: оқлар бошлаб ютади. Жавобларингизни кутамиз.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

• *Мулоҳаза*

ТЕСТ БЕНУҚСОН СИНОВМИ?

Давримиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва миллий мустақилликдан ташқари, маънавий юксаклик, аҳлоқий покликни ҳам талаб этади. Шу жиҳатдан тест усулининг кириш имтиҳонларида оммавий жорий қилиниши маънавий покланиш сари қўйилган муҳим қадамдир. Таълим-тарбия соҳасида бошланган бу тадбир миллий мафкуранинг шаклланишида муҳим босқич бўлди. Чунки келажак авлоднинг қиёфаси таълим-тарбияга боғлиқ. Бу борада тест ўзининг қулай ва ихчамлиги, билимни аниқлашдаги холис ва адолатлилиги билан таҳсинга сазовордир. Бироқ ўқишда ҳалоллик ҳеч қачон бутунлай йўқолган эмас. Қизиғи шундаки, ўқишга киролмаганларнинг шикоят хатлари текширилган-у, ўз кучи ва билими билан ўқишга кирганларнинг миннатдорчилиги сира ўрганилмаган. Мамнуният ила айтиш керакки, бизни ўқитган устозларимиз ҳатто бир пиёла сув ҳам таъма қилмаган. Ҳа чора, кириш имтиҳонларида ишлаган домлаларни нопокликда айблаш шундай авж олдики, ҳатто қариндошингиз ҳам сизга ишонмайдиган пайтлар бўлди.

Матбуотнинг ёзишича, тест натижаларидан ҳеч ким норози бўлмаган, ҳатто «йиқилганлар» ҳам шикоят қилмаган. Тўғри, жойларда расмий равишда шикоят тушмагандир, аммо бу ҳеч қандай муаммо йўқ дегани эмас. Ахир, узоқ йиллар давомида йиғилган муаммони тест бир мавсумда ҳал қила оладими? Йўқ. Тест синови ҳаракатдаги жараён бўлгани учун унинг ўйлаб кўриладиган ва такомиллаштириладиган томонлари мавжуд. Биз шу ҳақда фикр юритамиз.

Аввало шуни айтиш керакки, тест натижаларини ўта кеч эълон қилиш кишиларда турли фикрлар туғдирди. Албатта, тест ҳам инсон фаолияти маҳсули. Бинобарин, инсон ундан ўз мақсади йўлида фойдаланишга интилади. Шунинг учун тестни ҳам мутлақо дахлсиз деб бўлмайди. Москва телевидениеси адашмасак 1992 йил 23 август куни Туркманистонда Туркияга борувчи ёшлар билан ўтказилган тест синовларида шпаргалка ишлатилгани ва буни мутасаддилар одатдаги ҳодиса деб баҳолашгани ҳақида расмий хабар берган эди. Бундай хабарни сўзсиз рад этиш қийин. Худди шу ўринда профессор С. Пўлатовнинг дастлабки тест натижалари ҳақидаги фикрига эътибор беринг: «1992 йили бизда математика, физика фанларидан юқори балл олиб, она тилидан ҳатто бирон саволга жавоб бермай (таъкид бизники — А. М.) конкурсдан ўтганлар ҳам бўлди» («Туркистон», 1993 йил,21 август).

Қаранг, мактабни яқинда битирган ва математика, физикадек мураккаб фанлардан юқори балл олган ўқувчининг она тилидан биронта саволга жавоб беролмагани шубҳали эмасми? Ахир, бу ҳол талабгорнинг она тилидан билимсиз, саводсизлигига ишора-ку. Ёки унинг вазифасини она тили ва адабиётдан мутлақо бехабар кишилар бажардимикин? Бундай талабгорнинг оға тилидан аттестатдаги баҳосига ҳам қараш лозим эди. Кириш имтиҳонларида эса ҳар қайси фандан олинган балларни алоҳида ҳисобга олиш ва биронта фандан «0» балл олганларни ўқишга қабул қилмаслик керак.

Кўпчиликни шубҳага солган иккинчи омил — жавобларни ўта юмшоқ қора қалам билан бўяш ва ўчириш бўлди. Айниқса, шу ҳодиса моҳиятини кўпчилик англаб етгани йўқ. Хуллас, ҳар қандай ҳолда ҳам ана шу икки ҳодисани сўзсиз бартараф этиш йўлини топиш керак. Тест натижаларининг кеч эълон қилиниши туфайли ундан ўтган ҳам, ўтмаган ҳам узоқ вақт ипсиз боғланиб қолди.

Тестдан паст баҳо олиш на фақат саволларга жавоб беролмаслик, балки ҳужжатларни нотўғри тўлдириш ёки чоп этилган саволлар тўпламида бўлганидек, айрим ноаниқ саволжавоблар оқибатида бўлиши ҳам мумкин. Айни чоғда тест саволларининг фақат икки вариантда бўлиши ҳам тўғри эмас. Негаки, бунда талабгорларнинг ўзаро мулоқот қилишга — ўзига хос кўчирмачиликка имкон туғилади. Шунинг учун ҳар бир талабгор алоҳида вариантни ишлаши лозим. Биз хизмат қилаётган Жаҳон тиллари институтида ўтган ўқув йилида шундай тажриба қилиб кўрилган эди. Тест вариантларини 15 нусхада тайёрлаб, ҳар бир вариантга ўнтадан савол киритдик ва уларни уч нусхада кўпайтирдик. Талабалар ўзаро мулоқот қилмаслиги учун бир партага биттадан ўтказилди. Жавоб учун 20—25 дақиқа вақт белгиланди ва эртасига жавоб натижалари маълум қилинди. Бундай чоғда хоналар сиғимини ҳисобга олиб, вариантлар сонини 50—60 тагача кўпайтириш ёки талабгорлар миқдорига қараб вариантлар сони озроқ бўлса уларни икки-уч нусхада кўпайтириб тарқатиш мумкин.

Ўтган йилги тажриба шуни кўрсатдики, тестни ҳар бир олий ўқув юртти ўз муаллимларисиз, ҳужжат тўлдиришни пухта тушунтира оладиган шахслар ёрдамида ўтказиши мумкин. Булар жамоат вакилларими, бошқа ўқув юрти муаллимларими — аҳамиятсиз. Бунинг учун жиддий тайёргарлик мактабларидан бошланиши, тест ўтказувчиларни олдиндан пухта тайёрлаш лозим. Ниҳоят, тест натижалари ва уларнинг эгалари ҳақидаги барча маълумотлар тегишли идораларда узоқ вақт «сир» сақланиши ҳам ҳар хил талқинга сабаб бўлди. Шунга кўра талабгорларнинг тест рамумкин. Айни чоғда тест саволларининг фақат икки вариантда бўлиши ҳам тўғри эмас. Негаки, бунда талабгорларнинг ўзаро мулоқот қилишга — ўзига хос кўчирмачиликка имкон туғилади. Шунинг учун ҳар бир талабгор алоҳида вариантни ишлаши лозим. Биз хизмат қилаётган Жаҳон тиллари институтида ўтган ўқув йилида шундай тажриба қилиб кўрилган эди. Тест вариантларини 15 нусхада тайёрлаб, ҳар бир вариантга ўнтадан савол киритдик ва уларни уч нусхада кўпайтирдик. Талабалар ўзаро мулоқот қилмаслиги учун бир партага биттадан ўтказилди. Жавоб учун 20—25 дақиқа вақт белгиланди ва эртасига жавоб натижалари маълум қилинди. Бундай чоғда хоналар сиғимини ҳисобга олиб, вариантлар сонини 50—60 тагача кўпайтириш ёки талабгорлар миқдорига қараб вариантлар сони озроқ бўлса уларни икки-уч нусхада кўпайтириб тарқатиш мумкин.

Ўтган йилги тажриба шуни кўрсатдики, тестни ҳар бир олий ўқув юрти ўз муаллимларисиз, ҳужжат тўлдиришни пухта тушунтира оладиган шахслар ёрдамида ўтказиши мумкин. Булар жамоат вакилларими, бошқа ўқув юрти муаллимларими — аҳамиятсиз. Бунинг учун жиддий тайёргарлик мактабларидан бошланиши, тест ўтказувчиларни олдиндан пухта тайёрлаш лозим. Ниҳоят, тест натижалари ва уларнинг эгалари ҳақидаги барча маълумотлар тегишли идораларда узоқ вақт «сир» сақланиши ҳам ҳар хил талқинга сабаб бўлди. Шунга кўра талабгорларнинг тест рамжараёнини, ўтган йили Тошкентдаги тўртта билим юртида кириш имтиҳонлари компьютер-машиналар орқали қабул қилиниб, талабгор йиққан балларини кўриб турганини (бу ҳақда матбуотда ёзишди) эслаш ва ана шу тажрибалардан фойдаланиш йўлларини ўйлаб кўриш керак. Умуман, ҳозирги «талабгор—шахс—машина» усулидан «талабгор—машина» усулига ўтиш давр талабидир. Борди-ю керакли машиналар етарли бўлмаса, тестнинг юқорида эслатилган «қўлбола» усулидан вақтинча фойдаланиб туриш мумкин.

Бизнингча, тестни таълим-тарбиянинг бир тури сифатида баҳолаш керак. Гап шундаки, билим бўла туриб, уни амалда татбиқ қила олмайдиган, саводи паст, хатосиз жумла туза олмайдиган ёки оғзаки нутқи ғализ ёшлар йўқ эмас. Тестда таваккалчилик элементи ҳам мавжуд. Шу жиҳатдан кириш имтиҳонларида иншодан бутунлай воз кечиш керакмикин, бошқача айтганда, тестни истисносиз барча соҳага татбиқ этиш жоизмикин, деб ўйлаймиз. Негаки, тест имконияти ёшларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини, истеъдодини, ёзма ва оғзаки нутқ маҳоратини, саводхонлик ва ижодкорлик даражасини аниқлашда бирмунча чекланган кўринади. Шунинг учун кириш имтиҳонларида фақат тестга суяниб қолмасдан соҳаларга қараб, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ахир иншо ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар сабабли кишилар онгида туғилган қаллоблик, кўчирмачилик қурбони бўлди, холос. Ёшларнинг билими, қамлари жойларда назорат остида сақланиши, марказга эса фақат имтиҳон ҳайъатининг тест натижалари ҳақидаги маълумотигина юборилиши ва марказ кириш баллари миқдорини белгилаб бериши лозим, деб ўйлаймиз. Назаримда, талабгорлар китоб ўқиб, билимини оширишдан кўра, худди эълон қилинган иншо саволларига шпаргалка тайёрлагани каби тайёр жавобларни эслаш билан шуғулланади. Шунинг учун тест саволларига шпаргалка тайёр қилишдан кўра, ҳар қайси ўқув юртининг ўзига хос тузилган тест саволлари жойларда сир сақланиши маъқул кўринади.

Тестнинг барча институтларда бир вақтда ўтказилиши маъқул. Аммо жавоб муддатининг чўзилиши ўзини оқламайди. Аслида талабгор имтиҳондан чиқаётиб, тўпланган балларини билиши талай баҳсларга барҳам берар эди. Бу борада йўл ҳаракатлари қоидаларидан синов топшириш саводхонлиги, ҳуснихати, мустақил фикрлаш, ижод қилиш қобилиятини иншочалик яхлит белгилайдиган восита йўқ. Агар ҳалоллик барқарор бўлса, иншонинг ҳозирги умумийлик туридан хусусий турига ўтиб, ундан соҳаларга қараб фойдаланиш маъқул. Албатта, тестга асосланган умумлашма ижодий имтиҳонни маъқуллаш ва айни чоғда ундаги саволларни такомиллаштириш, ҳар қайси фан имтиҳонини алоҳида ўтказиш лозим. Ҳозирги ҳолатда бир жойда турли соҳа имтиҳончилари ҳам, талабгорлар ҳам тўпланиб қолиши мумкин. Умуман ижодий имтиҳонни барча соҳаларга татбиқ қилиш зарур. Чунки адабий-маданий мерос, ижтимоий ҳаёт, хусусан, давлат тили ҳар бир кишининг маънавий бойлигига дахлдордир.

Ниҳоят, кириш имтиҳонлари қандай шакл ва усулда ўтмасин, адолат ҳайъатлари бўлиши лозим. Гап иншонинг бўлмаганлигида эмас. Аслида билимга ишониб, имтиҳон натижасидан норози бўлганлар қайта имтиҳондан ўтгани маъқул ва бу усул талай миш-мишларга чек қўяди. Тўғри, бу тавсиялар синалган, анъанавий усулни бузишдек туюлар ҳам. Аммо тест натижаларининг ҳалоллигига тўла ишонч ҳосил қилишда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бугина эмас, таълим-тарбия соҳасида нопокликнинг ҳар қандай турига барҳам беришнинг ягона усули, ўқишни истаган ҳар бир талабгорни имтиҳон ва синовларсиз қабул қилишдир. Чиндан бу ғоят мураккаб жараён. Бунинг устига тажриба йўқ. Моддий ва техник тайёргарлик етишмайди. Лекин қийинчиликсиз иш битмайди. Аниқлашимизча, тест илғор давлатларнинг ҳаммасида ҳам қўлланавермайди. Жумладан, Францияда талабгорлар рўйхатдан ўтказилиб, тўрт-беш ой ўқитилади, сўнг ёзма имтиҳон олинади. Имтиҳонда 25—30 фоиз ўқувчи сараланиб қолади. Хитойда яна бошқача усул мавжуд.

Хуллас, тавсия этилаётган тажрибани дастлаб маорифнинг бир соҳасида синаб кўриш лозим. Бундай чоғда талабгорлар билими маълум вақт ичида барча тегишли фанлар бўйича тест, иншо, баён, диктант қабилар орқали аниқланади (эҳтимол, ана шу муддат учун талабгорлар маълум миқдорда ҳақ тўлар) ва шу фанларнинг бирортасидан паст ёки қониқарсиз баҳо олганлар қабул қилинмаслиги керак.

Маълумки, биз яқин ўтмишда қўллаган тўсиқлардан бирортаси нопокликни тубдан йўқота олмади. Чунки кишилар ҳар қандай тўсиқдан ўтиш йўлини топаверди. Балки яна топаверар ҳам. Шунинг учун тест ҳам вақти келиб, эскириши мумкин. Демак, айни бир восита бу усулни ўзгармас, бенуқсон деб билмасдан, уларни муттасил такомиллаштириш, синалганларидан воз кечмай, ўз ўрнида фойдаланиш, янгиларини жорий қилиш керак...

Аминжон МАМАТОВ,
доцент, филология фанлари номзоди.

• *Маданият*

ҲОФИЗ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Ўзбекистон халқ артисти, мумтоз мусиқа билимдони ва ижрочиси бўлмиш Ҳожихон Болтаев таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан ҳофиз ватани — Хонқа туманида уста мақомчи совринни учун вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

Бу танлов уч йўналишда ўтказилди. Хива шаҳар «Ҳумо» бадиий ҳаваскорлик жамоаси, хонқалик Ж. Жуманиёзов, ансамбль жўрлигидаги яккаснинг учун З. Турдиевлар фахрли ўринларга лойиқ кўрилди.

Шунингдек, Хонқа тумани «Дилором» бадиий ҳаваскорлик жамоаси, Урганч шаҳар М. Шерозий номидаги бадиий ҳаваскорлик дастаси ҳам совриндор бўлди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Тадбиркорлик*

ОЛМА ПИШИБ ОҒИЗГА ТУШМАС

Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан ишга, меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо қилаётир. Ўз кунингни ўзинг кўрадиган пайт. Олма пиш, оғзимга туш даври ўтган. Фақат тадбиркор, ишбилармон ва ҳамкорлик қилганларгина ютади.

Бу борада республика мева-сабзавот концернига қарашли Дўстлик туманидаги тайёрлаш ва сотиш корхонасида ибратли ишлар қилинмоқда. Жамоа ҳамдўстлик мамлакатларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб, эвазига қурилиш материаллари келтирмоқда. Излаган имкон топаркан. Корхона аҳли шакар ишлаб чиқариш кичик заводи ҳамда чет эл моллари билан савдо қилувчи дўкон очишни мўлжаллаб турибди.

Айни пайтда бу корхона деҳқонларга амалий ёрдам беряпти. Хўжаликлар учун 100 тонна Польшадан картошка келтирилиб тарқатилди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ПАРИЗОД» ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

бош ҳисобчи ўринбосари лавозимига иш стажи беш йилдан кам бўлмаган ходимни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАНЗИЛГОҲ: 700070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 12-уй. «Россия» меҳмонхонаси бекати.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси жамоаси ОАК бўлим мудирининг ўринбосари Абдуҳамид Раҳимовга онаси **Қутбиниссо ЮСУПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэлектртармоққурилиш» трести жамоаси 47-мехколоннанинг бош муҳандиси М. Т. Розиқовга отаси **Тўхтасин РОЗИҚОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўздеҳқонсаноатбанк» бошқаруви банкнинг халқ хўжалиги тармоқларини қисқа муддатли кредитлар билан таъминлашни ташкил қилиш бошқармасининг бош мутахассиси Б. Ф. Исоқовга падари бузруквори **Фазли ИСОҚОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири Абдунаби Маннопога акаси **Абдусаттор Абдужабборович МАННОПОВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ҳамда марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига сабр-бардош тилайди.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асқиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—20.40
Г—1037 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

123456.